

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ ИҚТИСОДИЁТ” кафедраси

«ХИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»

«Иқтисодиёт» кафедраси

муdiri

и.ф.н., А.И.Рахматуллаев

« ____ » ____ 2014йил

« ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Иқтисодиёт» факультети

декани ____ проф.,

А.Ф.Хуррамов

« ____ » ____ 2014йил

**“Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик
бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш
истикболлари”**

(Касби тумани “Иқтисодиёт” бўлими мисолида)

• мавзусидаги

мавзусидаги

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

**БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт» (қишлоқ
хўжалиги) таълим йўналиши битирувчи IV
курс
талабаси ____ Номозов А**

**ИЛМИЙ РАЎБАР:
“Иқтисодиёт” кафедраси к.ўқ
____ Нормаматов И.Б**

**Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки химоядан ўтди
____ сонли баённома « ____ » ____ 2014й.**

ҚАРШИ- 2014йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....

1 -боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....

- 1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш имкониятлари.....
- 1.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида ривожланиш муҳитини шакллантириш ва уни намоён бўлиш хусусиятлари.....

2-боб. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИ ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (Касби тумани “Иқтисодиёт” бўлими мисолида)

- 2.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ривожланишида нарх-навони шаклланиши.....
- 2.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида маҳсулот сифати ва уни ривожланишга таъсири.....

3-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....

- 3.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш истиқболларини таъминлаш йўллари.....
- 3.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш.....

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар рыйхати.....

Кириш

БМИнинг долзарблиги. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларини шаклланиб ва ривожланиб бориши шароитида, мулкчилик шаклларида қатъий назар, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнларда давлат билан жамият аъзолари ўртасида янгидан-янги муносабатларни шаклланиши содир бўлиб, пировард натижада аҳолининг моддий-фаровонлиги ва мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини янада ривожланиши учун замин тайёрланади. Айниқса, ҳозирги шароитда маҳсулот ва хизматлар сифатига бўлган талаб ва бунда рақобат муносабатларининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги жуда ҳам муҳим бўлиб, бу жараёнга кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам катта эътибор берилмоқда. Чунки мамлакат иқтисодиётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши ва мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ортиб бориши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.. Хўжалик муносабатларини ислоҳ қилиш, корхоналарнинг бошқариш механизмини қайта ташкил этиш, улар фаолиятининг барча қирраларини қамраб олмоқда, хусусан, маркетинг фаолиятига ҳам эътибор кучаймоқда ва шу туфайли ҳам маҳсулот сифати ортиб, ривожланиш тамойилларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Ривожланиш муҳитини шаклланиши ва ривожланишини мулкчилик шакллари турлича бўлган хўжалик субъектлари ўртасида содир бўлиши бозор иқтисодиёти шароитида объектив заруриятдир. Шунинг учун ҳам Республика Президенти И.Каримов: “объектларни модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта тиклаш ва жаҳон бозорида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўз зиммасига оладиган мажбуриятларидир”¹ деб таъкидлаб ўтди.

¹ Каримов И. Демократик ҳукуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш-фаровон ҳаётимиз гаровидир.
Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2007.26-27-бб. – 64 б

Иқтисодиётда ривожланиш турли йўналишдаги саъй-ҳаракатларни тақозо этиб, баъзи бир соҳа ва тармоқлар табиатан рақобат муҳитига мойил бўлса, бошқа бирларида табиий ва иқтисодий монополияларнинг вужудга келиши учун қулай шарт-шароитни юзага келтиради.

Ўзбекистонда ва унинг вилоятларида, хусусан Қасби туманида кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишда ривожланиш муносабатларига таянган ҳолда сифатли кўрсаткичларга эришиш ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб, бу жараёнга шу кун талабларидан келиб чиқиб, ёндашиш лозим. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда қўлланиладиган турли механизмлардан фойдаланган ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари маҳсулотларини сифатини ошириш ва бунда ривожланиш тамойилларини кенг қўллаш йўллари ўрганиш тадқиқот мавзусининг долзарблигидан далолат беради ва ушбу тадқиқот ишини олиб боришни зарурлигини кўрсатиб берди.

БМЙнинг мақсади ва вазифалари. Қашқадарё вилоятининг энг катта ҳудудларидан бири **Қасби туманида кичик бизнес ва тадбиркорлик** корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини шаклланиши ва ривожланишининг назарий асосларини ўрганиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг асосий мақсади ҳисобланади. Бу мақсадга эришиш борасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- рақобатнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва уни амал қилишининг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;

- вилоятда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари, шунингдек бу йўналишда фаолият юритувчи тадбиркорларнинг иқтисодиётни янада ривожланишдаги аҳамияти ва ўрнини кўрсатиб бериш;

- кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишда ривожланиш муҳитини таҳлил этиш;

- бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатнинг шаклланиш таъминларини ўрганиш;

- рақобат курашининг намоён бўлиш шакллари ва усулларини ўрганиш;

- кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини оширишда маркетинг фаолиятдан фойдаланишни ўрганиш;

- иқтисодиётда ривожланиш муҳитида давлатнинг иқтисодий ролини очиқ бериш.

БМИ объекти бўлиб Касби туманидаги кичик бизнес ва тадбиркорликни намоён қилувчи ташкилотлар ва корхоналар ҳисобланади.

БМИ предмети бўлиб, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликни таъмин этиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

БМИнинг назарий ва услубий асослари. БМИни олиб бориш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарлари, мамлакатимиз ва хорижлик етакчи иқтисодчи-олимларнинг иқтисодий ўсишни таъмин этиш, маҳсулот сифатини ошириш, бошқаришни такомиллаштириш, шунингдек, маркетинг соҳасидаги илмий асарларидан фойдаланилди. БМИнинг меъёрий асосини кичик бизнес ва тадбиркорлик жараёнларини ривожланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тегишли вазирликларнинг меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари ва кўрсатмалари ташкил қилади.

БМИ мавзуи бўйича Касби туманида кичик бизнес ва тадбиркорлик асосида ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи субъектлар маълумотлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва **Касби тумани** статистика бўлими маълумотлари, БМИда кўталирган муаммоларнинг ечими берилган.

БМИнинг илмий янгилиги. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида миллий анъанавий хусусиятларга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уни истеъмол товарлари бозорида ривожланиш муносабатлари талаблари асосида ўрганиш, уларни қўллаш механизмини такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларида ўз ифодасини топган:

-бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожланиб бориши шароитида кичик бизнес ва тадбиркорлик маҳсулотларини ривожланиш муносабатларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг назарий ва услубий асослари ўрганилган;

-бозорда иштироки даражалари, тамойиллари, усуллари, мезонлари таърифлари, тушунчаларига аниқликлар киритилган, ҳар бирининг тутган ўрнига қараб яхлит бир тизимга келтирилган;

-бозор рақобатларини услубий асослари таҳлил қилиниб, бозорни ҳар томонлама ўрганиш ва сифатни оширишнинг асосий йўллари аниқланган, истеъмолчиларнинг харид қилишга ундовчи ҳаракатлари турли ёндашувлар

- кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг фаолияти, уларнинг бозордаги мавқеи, ва иқтисодий фаолиятини яхшилаш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган;

- кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг бозор сегментлари бўйича махсус маркетинг стратегиялари ишлаб чиқилган ва ривожланиш муносабатларининг ривожланиш борасида тавсиялар берилган.

БМИ натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, БМИда ишлаб чиқилган ғоя ва таклифлар кичик бизнес ва тадбиркорлик маҳсулотлари бозорида рақобатни амалда қўллаш ва такомиллаштириш, унинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти ва ривожланишини маркетинг тамойилларига таянган ҳолда ишлаб чиқиш, уни самарали бошқариш йўллари аниқлаш ва ундан мақсадли фойдаланиш имконини беради.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИда қўйилган мақсад ва вазифалар БМИнинг йўналишини аниқлаб берди ва диссертация таркибида ўз аксини топди. БМИнинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. БМИ ҳажми ____ бет, жадвал, расм, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1 -БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....

1.1 Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш имкониятлари.....

Мамлакатлар иқтисодиётида рўй бераётган турли ижобий ўзгаришлар кўп жиҳатдан кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Мазкур соҳанинг қарор топиши ва ривожланиши тадбиркорлик соҳасида рўй бераётган ҳар қандай ўзгаришларга таъсирчан ҳисобланади.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари ривожланаётган ҳозирги вақтда хусусий мулкчилик ривожланишини ифода этувчи қонуниятлар ва тамойилларга асосланган ҳолда шаклланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида тадбиркорлик фаолияти асосан хизмат кўрсатиш соҳаларига таянган ҳолда ривожланди. Бу ўринда савдо ва умумий овқатланиш тармоғига оид корхоналар ва уларда банд бўлган ишчилар сонининг тез суръатларда ўсганлигини айтиб ўтиш зарур. Мазкур корхоналарнинг маълум қисми, айниқса иқтисодий-географик ўрни қулай бўлган корхоналарнинг аксарияти ҳозирги вақтгача ўз мавқеини сақлаб қолди. Шу вақтнинг ўзида серкатнов транспорт йўллари, саноат шаҳарлари ва шаҳарчаларидан четда жойлашган унча катта бўлмаган савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг катта қисми қисқа вақт ичида инқирозлик ҳолатига тушиб, хатто ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, республикамизда давлат мустақиллигининг дастлабки даврида тадбиркорликнинг асосини ташкил этган кичик ва ўрта тадбиркорлик Тошкент шаҳрида, Тошкент вилоятида ҳамда Фарғона водийси вилоятларида бирмунча яхши ривожланди. Бу ўринда Тошкент шаҳрида кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиши алоҳида аҳамиятли ҳолатдир. Тошкент шаҳри бозор муносабатлари барпо

этилатган 90-йилларнинг биринчи ярмида ҳам тадбиркорлик тўлақонли ҳолда ривожланганлиги билан бошқа минтақалардан ажралиб туради. Бундай хусусият ҳозирги кунгача ўз кучини сақлаб қолмоқда. Чунончи, 2009 йилда республикадаги мавжуд тадбиркорларнинг деярли 3/4 қисми Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти мамлакатнинг бошқа вилоятларида ҳам аста секин ривожлана бошлаганлигини расмий статистик маълумотлардан кўриш мумкин.

Шу билан бир вақтда, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аҳоли турмуш даражасининг доимий равишда юқори бўлишига энг аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожланиш орқали эришилиб келинган. Шундан келиб чиққан ҳолда бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш, уни иқтисодиётдаги ўрни ва ролини янада ошириш Ўзбекистон аҳолиси учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишга асосий эътиборни қаратар эканмиз, шу орқали учта муҳим масалани ечишни кўзда тутамиз. Булар:

Биринчи масала - яқин беш-ўн йил ичида ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш;

Иккинчи масала - бу соҳани ривожланиш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши лозим.

Учинчи масала - мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат» деб бу соҳани Ўзбекистон иқтисодиёти учун қанчалик юқори даражадаги мавқега эга эканлигини кўрсатиб берди.

Айниқса Ўзбекистон шароитида, яъни иқтисодиётнинг бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтиши жараёнида кичик ва ўрта бизнес тараққиёти муҳим

аҳамият касб этади. Ташкил қилишда унчалик катта маблағ талаб этмайдиган, иқтисодиётдаги муаммоларни нисбатан тез ва ортиқча сарф-харажатларсиз еча оладиган, маҳсулот ишлаб чиқариш стратегиясини бозордаги вазиятга қараб тез ўзгартира оладиган кичик бизнес ва тадбиркорликкорхоналари ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришда салмоқли ўрин тутди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарнинг 1/7 қисмининг фаолият кўрсатмаётганлиги, ҳар йили ўртача 6-7% корхоналарнинг тугатилиб бораётганлиги мазкур соҳани ривожланиш борасида, ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Кичик бизнес соҳасининг ривожланиши доимий равишда муаммоли тарзда кечиши табиий. Чунки, биринчидан, иқтисодиётнинг асосий муаммоси–ресурсларнинг чекланганлиги иқтисодиётнинг мазкур соҳасини ҳам йирик бизнесдан «ўз улушини тортиб олиш»га мажбур этади. Иккинчидан, кичик бизнеснинг ривожланишидаги зиддиятли, муаммоли ҳолатлар унинг иқтисодий табиатидан ҳам келиб чиқади. Иқтисодий салоҳият нуқтаи назаридан кичик бизнеснинг имкониятлари нисбатан чекланган. У йирик корхоналар сингари ўзининг кучли моддий-техника базасига, барқарор ресурслар манбаига, йиллар давомида шаклланган сотиш бозорларига эга эмас. Бундан ташқари, бозор конъюнктурасининг озгина ўзгариши ҳам кичик бизнес корхоналарига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Кичик бизнеснинг бундай жиҳатлари ўзига нисбатан қўллаб-қувватлашни тақозо этади. Учинчидан, бу муаммолар ўтиш даври иқтисодиёти шароитида янада кескинроқ, жиддийроқ кўринишда юз беради. Ривожланган мамлакатларда кичик бизнеснинг ҳаётий фаолияти барқарорлигини таъминловчи самарали дастак ва механизмлар аллақачон изга тушириб олинган бўлса, эндигина бозор муносабатларига ўтаётган мамлакатлар, жумладан Ўзбекистонда бу борада ҳали жиддий ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни кўлами ортиб борган сайин меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш имкониятлари кенгайиб боради, хусусан балоғатга етган, меҳнат қилишга иштиёқи бўлган ёшларимиз учун янги иш ўринлари очилади. Айниқса, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёни тезлашади, нобудгарчиликка барҳам берилади ва харидорларнинг талабларини қондириш тўхтовсиз амалга ошириб борилади. Шуларни ҳисобга олиб, 2007 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожланишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилди ва унга мувофиқ. Эндиликда кичик бизнес вакилларининг фаолиятини ривожланиш, уларга солиқ имтиёзларини бериш ва тўлашда қулайликлар яратиш микрофирмалар ва кичик корхоналар бюджетдан ташқари пенсия, йўл ва мактаб жамғармалари учун солиқ ва тўловлардан озод бўлиб, улар фақат битта ягона солиқ тўловини амалга оширадиган бўлди.

Илғор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, улар иқтисодиётини ривожланишда корхоналар муҳим рол ўйнаб, ўйнайди, кичик корхоналарнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши Буюк Британияда 50-53 фоизни, Америка Қўшма Штатларида 50-52 фоизни, Европа Иттифоқида мамлакатларида 63-67 фоизни ташкил этар экан. Агарда жаҳон иқтисодиётида XX асрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришни йириклаштириш ҳолати кузатилган бўлса, иккинчи ярмидан бошлаб эсa унинг акси, яъни кичик бизнесни ривожланиш ҳолати кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам, XXI асрни эсa том кенг маънода кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиш асри деб айтиш мумкин.

Келажакда кичик корхоналар ва тадбиркорларнинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини янада ошириш учун уларнинг ресурслар ва сотиш бозорларида иштирокини кенгайтириш, молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда қўшимча солиқ имтиёзларини бериш билан боғлиқдир.

Таҳлиллар кўрсатадики, бугунги кунда кичик бизнесни ривожланиш ва янги иш ўринлари яратиш ҳали талаб даражасида эмас. Давлат рўхатидан ўтиш ва лицензия олиш жараёнида тадбиркорлар бир қанча қийинчилик ва тўсиқларга дуч келишмоқда. Шунингдек, солиқ ва тўловлар бўйича имтиёзлар, кредит манбалари ва кредит олиш механизмлари, банк тизими, импорт жараёни ва импорт тарифлари билан боғлиқ муаммолар ҳам кичик бизнес ривожига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Бундан ташқари кичик бизнес корхоналарида ресурсларнинг етишмаслиги, бизнес тамойилларини тушунмаслик, бу борадаги профессионализм ва билимнинг камлиги, ҳуқуқий саводхонликнинг етишмаслиги, фаолиятга инновация ва ижодий ёндашувнинг йўқлиги, таваккалчиликка бориш даражасининг пастлиги, маҳсулотлар маркетинги билан шуғулланмаслик, бозорда самарали фаолият юрита олмаслик, ҳамкорлар топишда тажрибасизлик каби ички муаммолари ҳам мавжуд.

Маълумки, янги ташкил этилган кичик корхона ёки микрофирмада ишни бир маромда йўлга қўйиш учун дастлабки сармоя жуда муҳимдир. Ресубликамиздаги аксарият хусусий корхоналарнинг кўнгилдагидек фаолият юритолмаётганлиги, айрим ҳолларда уларнинг ёпилиб кетаётгани ҳам бошланғич сармоянинг етишмаслиги билан боғланмоқда.

Республикада амалга оширалаётган иқтисодий ислохотларни ривожланиш ва ислоҳ қилиш ҳозирги куннинг асосий вазифаси бўлиб, шу йўл орқали давлатимиз иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал этиши осон кечади. Бунда республикага чет эл инвестициясини жалб қилиш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустахкамлаш, тадбиркорликка эркинлик бериш ва зарур шарт-шароит яратиш устувор йўналишлар сифатида белгилаб олинди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда давлат маҳаллий бошқарув органларининг роли аҳамиятли бўлгани ҳолда улар кичик бизнес корхоналарини ривожланишда ҳам эътибордан четда қолмасликлари лозим. Маҳаллий бошқарув органлари тадбиркорларни ишлаб чиқариш ёки хизмат

кўрсатиш бинолари, омбор, шунингдек савдо жойлари билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда етакчиликни ўз зиммасига олиши лозим. Чунки ўз худудида кичик бизнесни жадал ривожланишидан кўпроқ маҳаллий бошқарув органлари манфаатдордирлар ва ўз худудларида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий салоҳиятини, бандлик даражаси тўғрисида оператив ва кенгроқ маълумотга эга бўладилар. Кичик бизнес ва тадбиркорликфаолиятини маълум худудда самарали ишлаши шу худудда жойлашган боғча, мактабга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва бошқа хайриялар натижасида шу худудда яшовчи аҳолининг яшаш даражаси ошади, ижтимоий зиддиятларнинг олди олинади. Ҳозирги вақтда фаолият олиб бораётган турли ўқув курслари, жумладан, пишириқлар пишириш, тикувчилик, сартарошлик сингари курсларнинг ташкил этилиши хусусий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланишига туртки бўлмоқда. Бундай курсларнинг Ўзбекистоннинг турли вилоятларида фаолият олиб боришлари натижасида яна кўшимча иш жойлари ташкил этилмоқда. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши иқтисодий ислохотларнинг барқарорлигини таъминлайди.

1.2. Кичик изнес ва тадбиркорликкорхоналарида ривожланиш муҳитини шакллантириш ва уни намоён бўлиш хусусиятлари

Бозор иқтисодиёти эски, самарасиз хўжалик юритиш механизми ўрнига бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган махсус чора-тадбирлар тизими рақобат муҳитини яратади. Бозор иқтисодиёти муносабатлари тамойилларига амал қилган ҳолда ривожланаётган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, рақобат муносабатларини ривожланиш анча мураккаб ва узоқ даврни олувчи жараён ҳисобланади.

Соғлом рақобатни ривожланишда аксарият ҳолларда ўтиш даври иқтисодиёти учун хос бўлган қуйидаги муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилиши муҳим аҳамият касб этади:

- тармоқлар тузилишидаги номувофиқликлар ва ишлаб чиқаришда юқори технологияларнинг етишмаслиги;
- соҳа ва тармоқлар миқёсидаги рақобатда адолат мезонларининг бузилиши;
- мансабдор шахслар томонидан тadbиркорлик фаолияти борасида суистеъмоллик ҳолатларига йўл қўйилиши;
- нарх белгилашда монопол мавқенинг сақланиб қолиши, хусусан иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторида нархларнинг кескин фарқланиши;
- мамлакатга товарларнинг контрабанда йўли билан кириб келиши;
- фаолият турини ва даромадларни яшириш ҳолатларининг мавжудлиги;
- соғлом пул муомаласи учун ҳозирги шароитдан келиб чиқадиган бозор инфратузилмасининг етарли эмаслиги;
- миллий валютани хориж валюталарига эркин алмаштириш имкониятларининг чекланганлиги;
- субъектларнинг бозор иқтисодиёти қоидаларини чуқур тушуниб етмасликлари;
- иқтисодий жиноятчилик ҳолатларининг мавжудлиги.

Айқисоди ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида рақобат бозор ҳўжалигининг ажралмас қисми сифатида табиий равишда пайдо бўлган бўлса, ўнлаб йиллар давомида маъмурий буйруқбозлик тартиби ҳукмрон бўлган, рақобатни ва бозорнинг бошқа белгиларини тан олмаган мамлакатларда бу жараён элементларини "жорий қилиш" ва ҳатто мажбуран қабул қилишга тўғри келади. Шу муносабат билан иқтисодиётнинг ўтиш даври ҳолатида рақобат муносабатларини ривожланишнинг мавжуд реал имкониятларини ҳисобга олиш муҳим рол ўйнайди.

Биринчидан, рақобатсиз иқтисодиётнинг самарали ҳаракат қила олмаслигига ишонч шаклланди. Бу ишонч таъсирида яқин вақтларгача ҳукмрон мавқега эга бўлган режали-буйруқбозлик тизимининг ғоявий

карашлари емирилмоқда. Иккинчидан, республикада рақобатни давлат гомонидан рағбатлантириш ва тартибга солишнинг кенг режали ҳаракатлари шаклланимоқда. Учинчидан, рақобат ҳали кенг жорий қилинмасда, бозор иқтисодиётига ўтишда муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида рақобатни шакллантиришнинг асосий тамойиллари қаторида, энг биринчи навбатда, бозор муносабатларининг қарор топтирилишини таъкидлаш мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айна вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини билдиради.

Рақобатнинг тўлақонли амал қилиши иқтисодий жараёнларнинг эркинлигини тақозо этади. Иқтисодиётдаги фаолият ва жараёнларнинг эркинлигининг ҳар қандай кўринишдаги чекланиши ўз навбатида рақобатнинг ҳам чекланиши ҳолатларига олиб келади. Бугунги кунда маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтаётган кўплаб мамлакатлар учун эркинлаштириш жараёнларини амалга ошириш тамойили хос бўлиб, бу қуйидаги ҳодисаларни содир бўлиши билан болғлиқ:

- кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш;
- хусусий секторни ривожланиш;
- рақобат муҳитини яратиш, яккахукмронлик ҳолатини бартараф этиш ва монополияга қарши тартиблашни такомиллаштириш;
- бозор инфратузилмасини ривожланиш, молия ва банк тизимини такомиллаштириш, банк ислоҳотларини жадаллаштириш;
- ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валютани тартибга солишни эркинлаштириш;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлатнинг аралашувини чеклаш. уларнинг иқтисодий ва молиявий масъулиятларини ошириш, банкротлик институти родини кучайтириш, хўжалик судларини фаоллаштириш. Шунингдек, таъкидлаш ўринлики, фаолият эркинлиги, ҳар бир кишининг танлаш имкониятига эга бўлишигина рақобат учун кенг йўл

очади ва бу жараёнда кичик бизнес ва тадбиркорликгоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда рақобат муҳитининг шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга.

**Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари маҳсулотлари
рақобатбардошлиги стратегиясини солиштириш**

Стратегия	Устунлиги	Бозор шароити	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш	Издан чиқариш омиллари
1	2	3	4	5
Маҳсулот таннархини камайтириш	Маҳсулот ҳажмини ўсиши, фойдани кўпайиши, киришдаги тўсиқларни ортиши, таъминлашда нархни ортиши билан боғлиқ резервлар	Бозордаги катта улуш, маҳсулотга нарх бўйича талабни эгилувчанлиги, нархнаво рақобати, маҳсулот стандартлашган	Ишлаб чиқаришни оптимал ҳажми, юқори даражадаги технологик тайёргарлик, маҳсулот таннархини қатъий назорати	Технологик янгиликни киритилиш рақобатчилар томонидан кўзбўямачилик, талабдаги ўзгаришлар, янги маҳсулотлар
Маҳсулот табақалашуви	Маҳсулот	Истеъмолчилар томонидан товарнинг жиҳатли хусусиятлари тушунарли ва кадрланади, рақобат асосан нарх билан боғлиқ бўлмаган	Мослашувчан ишлаб чиқаришни мавжудлиги, юқори даражадаги кенструкторлик тайёргарлиги, салоҳиятли маркетинг хизмати	Товарнинг обрўлилиги учун сарфланадиган ҳаражатлар, нархнинг ўсиши, рақобатчиларнинг ноқонуний ҳатти-ҳаракати
Бозорни сегментлаш	Сотиш ҳажмини ўсиши, фойдани ортиши, аниқ сегментга ҳар томонлама хизмат кўрсатиш	Истеъмолчиларнинг аниқ белгиланган гуруҳлари	Мослашувчан ишлаб чиқариш, кичик сериядаги ишлаб чиқариш тури	Ўхшаш товарларга нархни камайтириш, рақобатчилар сегментларнинг маълум қисмини ўз томонига оғдириши
Бозор эҳтиёжига зудлик билан таъсир қилиш	Фойдани ошириш, мижозлар эҳтиёжини ҳисобга олувчи	Маҳсулотга талаб эгилувчан эмас, бозорга кириш ва ундан чиқиш учун тўсиқларнинг камлиги, рақобатчилар сонини камлиги	Узоқ муддатга мўлжалланмаган юқори рентабелли лойиҳалар бўйича маркетинг хизмати	Ҳаражатларнинг юқори улуши, ташқи муҳитнинг барқарорсизлиги
Янгиликларни жорий этиш	Монопол баҳо ҳисобига юқори фойда олиш	Ўхшаш маҳсулотни йўқлиги, янги маҳсулотга талабни мавжудлиги	Ходимларнинг юқори фан-техника малакаси, бошқариш таркиби	Молиялаштиришнинг катта ҳажми, ногиронлик хавфи, рақобатчилар томонидан янги маҳсулот чиқарганлиги тўғрисидаги нотўғри маълумот.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бинобарин ҳар қандай бизнес давлат кўмагисиз ўзининг истиқболли келажагини ва ўз қонуний манфаатлари ҳимоясини кўра олмайди.

Мамлакатда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиш учун катта имкониятлар мавжуд бўлиб, улар ривожланишининг асосий йўналишлари савдо, умумий овқатланиш, молиявий ва сайёҳлик хизматлари ҳисобланади. Мазкур йўналишларда кичик бизнес ва тадбиркорликкорхоналари фаолиятини ташкил этиш ва ривожланиш, улар барқарор ташқи иқтисодий фаолиятини кучайтириш мақсадида давлат томонидан қулай шарт-шароитлар яратиб келинмоқда. Хусусан, давлат томонидан лизинг хизматлари тизимини ривожланиш, кредит иттифоқларини шакллантириш ва кичик бизнес корхоналарига хизмат кўрсатадиган банк-молия институтлари вужудга келтириш мақсадида барча имкониятлар ҳозирланган. Масалан, улар технологик жиҳозларни олиб кираётганда импорт божхона тўловларидан озод қилиш тартиби белгилаб қўйилган. Кичик бизнес вакиллари учун мунтазам равишда семинарлар, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланишнинг долзарб муаммоларига бағишланган “айланма стол” атрофидаги баҳс-мунозаралар, тегишли ихтисослаштирилган идоралар томонидан кичик жиҳозлар, технологиялар ҳамда КБ корхоналарининг экспортга йўналтирилган маҳсулотларининг кўرғазмаларини мунтазам ташкил этиш давлат ташқи савдо сиёсатининг ажралмас бўлаги сифатида қараб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 7 июлдаги “Ўзбекистон савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони бугунги кунда хусусий тадбиркорликни янада ривожланиш борасида зарурий шарт-шароитларни яратиш, бизнес муҳитини такомиллаштириш, республика тадбиркорларининг салоҳиятли хорижий ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларнинг ташқи бозорларга фаол

олиб чиқилиши, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаб берувчи ишлаб чиқариш соҳаларини техник қайта қуроллантириш ва модернизация қилинишини таъминлаш мақсадида республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликкорхоналарида рақобатни ривожланиш тамойилларидан яна бири - соғлом рақобатни таъминлашга йўналтирилган меёрий-ҳуқуқий асоснинг яратилиши ҳисобланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш масаласидир. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника-технологиялар билан жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Шунинг учун ҳар бир мамлакат жумладан, Ўзбекистон ҳам кичик бизнес ва тадбиркорликлойиҳаларини молиялаштиришнинг ташқи манбалари билан бир қаторда, молиялашнинг ички манбаларидан ҳам оқилона фойдаланишга ҳаракат қилинади. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳамда кам фойда келтирсада, миллий иқтисодиётимиз учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи объектларни молиялаштиради. Лекин шундай бўлсада, хусусийлаштиришнинг кенгайиши ҳамда хусусий секторнинг ривожланиб бориши билан давлат бюджети маблағлари эвазига инвестициялаш камайиб боради. Бундай ҳолларда бозор иқтисодиётига эндигина ўтиб бораётган давлатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети томонидан тиббиёт, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, маориф ва бошқа ижтимоий соҳалар лойиҳалари молиялаштирилади ва бу мақсадга мувофиқдир. Бунга мисол қилиб, кейинги пайтларда мамлакатда кенг миқёсда қурилиб

фойдаланишга топширилаётган соғлиқни сақлаш муассасалари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бундай мақсадлар учун давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар ҳамда бошқа манбалардан маблағлар ажратилади.

Республикада кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари секин-аста бўлсада ривожланиб, молиявий жиҳатдан ўз-ўзини молиялашнинг янги маблағлари шаклланиб бормоқда ва булар қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

- кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг тақсимланмаган фойдаси;
- амортизация ажратмалари фонди;
- акциялар чиқариши ҳисобига шакллантирилган маблағлар;
- махсус фондлар.

Бу маблағлар манбаидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ўз ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, янги ишлаб чиқаришни барпо қилиш, модернизациялаш ёки техник-технологик жиҳатдан янгилаш, айланма маблағларни кўпайтиришда фойдаланишлари мумкин. Ҳозирги кунда кўпгина кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги ва молиявий ҳолатининг беқарорлиги боис, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

Давлат томонидан олиб борилаётган қўллаб-қувватлаш сиёсати асосида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига, айниқса эндигина иш бошлаган хорижий инвестиция иштирокидаги ёки бошқа турдаги кичик корхоналар ва тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзлари ҳам алоҳида аҳамият касб этиб, улар имтиёзли давр мобайнида солиқ тўловларини амалга оширмайдилар ва уни ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида сарфлашлари мумкин. Бундан ташқари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ўзларига кераксиз бўлган асосий восита ва бошқа

мулкларни сотиши ёки ижарага бериши орқали ҳам қўшимча маблағларга эга бўлишлари мумкин.

Республикамизда аҳолининг бўш пул маблағларини жамғариш тижорат банкларида амалга оширилмоқда ва ушбу жамғарма маблағлари кўпроқ қисқа муддатли кредитлашга йўналтирилмоқда. Бунинг биринчи сабаби, инфляция даражасининг юқорилиги бўлса, иккинчи сабаби, 1 аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг камлигидадир. Шунинг учун республикамизда маҳаллий инвесторлар сони санокли десак муболаға бўлмайди.

Пул маблағларининг тақчиллиги шароитида ва маҳаллий инвесторлар фаоллигининг сустлиги боис, давлатимиз асосий эътиборни хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратмоқда. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги роли ва салоҳияти унинг иқтисодий ва сиёсий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётимизнинг хусусий секторига жалб қилишнинг оқилона йўллари танлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Иқтисодиётда монополлашув принциплари кучайиб бориши билан рақобат чекланади, шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Бу эса давлатнинг монополияларга қарши сиёсатида ўз аксини топади. Ҳар бир мамлакатдаги аниқ вазият, яъни иқтисодиётнинг монополлашув даражаси унинг миқёси ва характериға қараб, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш, уни сақлаб қолиш, зарур бўлганда қайтадан тиклаш, рақобат усуллари қарор топтириш кабиларға қаратилади. Масалан, АҚШда давлатнинг хусусий монополиялар фаолиятини чеклашға қаратилган тадбирлари 1880 йилда трестларға қарши қабул қилинган Шерман қонуни, 1914 йилдаги Клейтон қонуни ва Федерал савдо комиссиясининг қонунларида ўз ифодасини топади. Монополияларға қарши қонунчилик ва уни амалға ошириш учун зарур бўлган чора-тадбирлар бошқа мамлакатларда ҳам шароит тақозо этган шаклларда амал қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатни ривожланиш тамойилларидан бири - иқтисодиётда корхоналарнинг сунъий равишда устунлик мавқеига эга бўлиши учун имкон яратмасликдир. Бу борадаги энг самарали чора-тадбирлар сифатида монополист-корхоналарнинг товар бозоридаги эгаллаб турган устунлик мавқеини суистеъмол қилишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича назорат олиб бориш майдонга тушади.

Устунлик мавқеига эга бўлган корхона товар бозорларида юзага келган муносабатларга ўз таъсирини кўрсатиш имкониятига эга бўладилар. Баъзида истеъмолчилар монополистик корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган маълум бир товарларга эҳтиёжининг юқори бўлганлиги сабабли, уларнинг турли хил ноқонуний шартларига кўникишга мажбур бўладилар.

Монополистик корхоналарнинг бозордаги устунлик мавқеини суистеъмол қилиш ўз-ўзидан товарлар ва хизматлар нархининг асоссиз равишда ўсиши ва сифатинининг пасайишига олиб келади. Бундан ташқари, устунлик мавқеини суистеъмол қилишнинг салбий оқибатлардан бири -товар бозорларида истеъмолчилар ўртасида нотенглик ҳолатларини юзага келтириш, яъни айрим истеъмолчиларларга маҳсулот етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишдан асоссиз равишда бош тортиш, монопол қиммат нархларда сотиш ва бошқаларга олиб келади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобат учун шарт-шароитларни шакллантиришнинг бошқа муҳим тамойили - хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги келишиб қилинган ноқонуний ҳаракатлари (битимлари) устидан назоратни олиб бориш ҳисобланади. Чет эл амалиётида ушбу тарздаги келишиб олиб бориладиган ҳаракатларни картел деб аташ қабул қилинган. Картелларнинг фаолияти нафақат бир давлатнинг товар бозорида балки жаҳон бозорида ҳам ноҳуш ҳолатларни келтириб чиқариш мумкин. Картел сифатидаги келишувлар нархларни сунъий равишда ошишига, шунингдек уларнинг иштирокчилик ўртасида рақобатни умуман

бўлмаслигига олиб келади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш жараёнини сусайтиради.

Ўзбекистонда давлатнинг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шакллари вужудга келтириш асосий ўрин тутди. Хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига топширилса, иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради. Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, бу рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат, турли хўжалик шакллари иқтисодиётининг мавжудлигига асосланган ва иложи борида эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало, мустақил эркин товар ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишини тақозо қилади, чунки рақобатнинг асосий шарти алоҳидалашган, мулкий масъулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорлик таҳликасини зиммасига олувчи эркин хўжалик субъектларининг мавжудлиги ва уларни бозор орқали иқтисодий алоқани йўлга қўйиш ҳисобланади.


Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида рақобатчилик муҳитини шакллантириш узоқ муддатли ва мураккаб жараён бўлиб, у жуда кўплаб омилларнинг таъсири остида шаклланади. Айниқса, иқтисодиётдаги мулкчилик муносабатларининг янада такомиллашувига, самарадорлигининг ошишига олиб келувчи мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш рақобат муҳитининг ривожланишида етакчи ўрин тутди.

Хусусийлаштириш доирасида давлат корхоналари хусусий шаклга ўтказилади. Бу одатда расмий хусусийлаштириш деб аталиб, у кейинги хусусийлаштириш жараёнлари учун ҳуқуқий асос сифатида майдонга тушади. Сўнгра мулкчилик ҳуқуқи корхоналарга ўтказилиб, хусусий шахслар учун манфаатларини рўёбга чиқариш имконияти яратилади. Учинчи вазифа янги мулкдорнинг самарали хўжалик юритишини рағбатлантириш (масалан, дотацияларни қисқартириш ҳамда рақобат муҳитини яратиш ва ҳ.к.) орқали,

тадбиркорлик жавобгарлиги ва хавф-хатарни ўз зиммасига олишига мажбур этишдан иборат.

Хусусийлаштириш кенг камровли ислохотларнинг бир қисми эканлигини қуйидаги 1.2.1-рasm орқали тасаввур этиш мумкин:

1.2.1-рasm. Хусусийлаштириш жараёнида ривожланиш муҳитни яратиш



Расмдан кўриниб турибдики хусусийлаштириш ва рақобатни рағбатлантириш иқтисодий жараёнга ҳаракатчанликни бахш этувчи ислохотларнинг муҳим элементларини намоён этади. Фойда олишга бўлган рағбат ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан тўқнашувига ва навбатдаги рақобат курашига олиб келиб, пировардида иқтисодиёт барча субъектлари фаровонлигининг ошишига замин яратади.

Хусусийлаштириш жараёнининг тезлашиши ва унинг асосида турли мулк шакллариининг барпо қилиниши субъектлар ўртасида рақобат муҳитининг шаклланишига ва унинг ривожланишига туртки ҳисобланади. Чунки аниқ бир мулк эгасигина бу мулкни асрашга, уни янада кўпайтиришга ҳаракат қилади. Мулкни кўпайтириш йўлида қилинган саъй-ҳаракат ишлаб чиқариш суръатларини ва ҳажмини оширишга, маҳсулот турларини кўпайтиришга, бозор ва истеъмолчилар талабларини ҳисобга олган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш учун ундайди. Бозор муносабатларида иштирок қилувчи ҳар бир субъектнинг бундай хоҳиши улар ўртасида рақобат муҳитининг юзага келишига ва янада ривожланишига асос солади. Шу боис

мамлакат иқтисодиётини ривожланишнинг муҳим жиҳати рақобат муҳитини яратиш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш ва товарлар рақобатбардошлигига кенг йўл очиб бериш асосий масала ҳисобланади.

Ривожланиш - бу очик иқтисодий тизимнинг ҳар қандай иқтисодий субъектга қўядиган асосий талабидир. Рақобатбардош бўлиш бу товар ва хизматларнинг ташқи ёки ички бозорга мўлжалланганлигидан қатъий назар истеъмол, сифат ва баҳо кўрсаткичларини дунё стандартлари даражасига кўтаришдан иборат бўлиб, корхоналарнинг рақобатчилар билан иқтисодий курашда устунликка эга бўлиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги иқтисодий шароитга, рақобатчилик афзалликларининг тўрт асосий белгиси: омил шароитлари (табiiй, меҳнат, технологик ва инвестицион ресурслар, инфратузилма ва ҳ.к)нинг жаҳон бозоридаги рақобатбардош, ёрдамчи соҳаларнинг мавжудлиги, маҳсулот ва хизматларга бўлган талаб корхонанинг стратегияси ва уни ички бозордаги рақобати таркиби ва мазмуни билан белгиланади.

Ўзбекистондаги бозор муносабатлари режали иқтисодиётнинг етмиш йиллик ҳукмронлигидан сўнг ва мамлакат ичидаги рақобатга умуман шароит яратмаган собиқ иттифоқнинг узоқ муддат давомида жаҳон иқтисодиётидан узилиб қолганлигидан кейин шакллана бошлади. Ўзбекистонда алоҳида бозор ва институтларнинг шаклланиши ҳамон тугагани йўқ. Ислохотларгача бўлган даврда мавжуд бўлган таркибий камчиликлар бугунги кунда ҳам маълум қийинчиликларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли рақобатдаги афзалликлар ўтиш давридаги иқтисодиётнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар ўз рақобатбардошлилигини ошириш ва мустаҳкамлаш имкониятларига таъсир этувчи, ўзига хос кўринишга эга бўлиши лозим. Ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар учун рақобатдаги афзалликлар манбаларини кенгайтириш учун Ўзбекистонда аввало хўжалик фаолияти учун зарур шарт шароит яратишга, талабнинг ўсишига, корхонанинг инвестицион ва инновацион фаоллигини I оширувчи мақбул шароит яратишга, илмий техник салоҳиятини сақлаб ,

қолишга, шунингдек таълим соҳасига молиявий эътиборни оширишга йўналтирилган сиёсат олиб бориш лозим.

**2-боб. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИДА
МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ЙЎЛГА
ҚЎЙИШНИ ТАЪМИНЛАШ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**
(Касби тумани “Иқтисодиёт” бўлими мисолида)

**2.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ривожланишида
нарх-навони шаклланиши**

Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолиятини бозор иқтисодиёти талаблари асосида йўлга қўйилиши натижасида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида бу соҳани янада ривожланишга ҳақиқатдан ҳам катта эътибор берилмоқда. Хусусан, бу жараён Касби туманига ҳам тегишли бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйилишивилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Касби тумани да фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари (2.1.1-жадвал) сони 2013 йилда 1 855 тани ташкил этиб, мавжуд корхоналарнинг 95,3 фоизини ташкил этади.. Бу шундан далолат берадики, фаолият юритмаётган корхоналарда ривожланиш муҳитига дош бера олмаслик ҳолатлари мавжуд бўлиб, ҳали инсонлар онгида бозор муҳити тамойилларини кенг маънодасингдиришдан иборат. Айнан шу жараёнга бўлган муносабатни тўлақонли шаклланмаганлиги тадбиркорлаг фаолиятидаги салбий ҳолатлардан деб ҳисоблашга асос бўлади.

2.1.1.-жадвал

Қашқадарё вилояти ҳудудларида кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолияти кўрсаткичлари

	Рўйхатга олинган кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари, бирлик					Фаолият курсатаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари, бирлик					Жами руйхатга олинган кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида фаолият курсатаётганлар улуши, %				
	2009йи л	2010 йил	2011 йил	2012йи л	2013 йил	2009й ил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2009йи л	2010 йил	2011 йил	2012й ил	2013 йил
Вилоят буйича:	13044	15591	23052	28545	44295	11861	14283	21465	26689	41 678	90,9	91,6	93,1	93,5	94,1
Гузор	810	884	1806	2 055	3207	722	1699	1699	1 968	3 097	89,1	90,5	94,1	95,8	96,6
Дехқонобод	552	749	1798	1 975	2473	506	1711	1711	1 922	2 395	91,7	92,3	95,2	97,3	96,8
Камаш	562	716	1420	2016	3286	506	1350	1350	1 936	3 170	90,0	91,3	95,1	96,0	96,5
Карши т.	929	1212	1324	1 716	2559	867	1151	1151	1 553	2 372	93,3	92,2	93,3	90,5	92,7
Косон	949	1131	1705	2 185	3784	884	1680	1680	2 141	3 650	93,2	98,8	98,5	98,0	96,5
Китоб	712	821	1526	1 822	3152	688	1470	1470	1 718	2 944	96,6	94,8	96,3	94,3	93,4
Миришкор	531	805	1295	1 765	2177	523	1287	1287	1 752	2 156	96,2	99,2	99,0	99,3	99,0
Муборак	530	650	773	961	1668	512	754	754	936	1 618	96,6	97,1	97,5	97,4	97,0
Нишон	1009	1140	1583	2 662	3357	836	1466	1466	2 608	3 277	82,9	89,8	92,6	98,0	97,6
Касби	450	623	917	1269	1946	443	900	900	1252	1 855	98,4	99,5	98,1	98,7	95,3
Чирокчи	1358	1593	1831	2 200	3812	1331	1763	1763	2 122	3 729	98,0	98,3	96,3	96,5	97,8
Шахрисабз	1182	1312	2250	2 576	4159	1075	2034	2034	2 288	3 836	90,9	90,1	90,4	88,8	92,2
Яккабоғ	786	918	1719	2 092	5132	648	1651	1651	2 012	5 036	82,4	94,0	96,0	96,2	98,1
Карши ш.	2684	3037	3195	3 251	3583	2320	2549	2549	2 481	2 543	86,4	80,5	79,8	76,3	71,0

Ҳозирги кунда Касби туманида фаолият кўтараётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётининг турли соҳаларида маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, 2013 йилда саноат маҳсулотлари бўйича иқтисодиётдаги улуши 3,7 %ни ташкил этган ҳақда, савдода 30,4%. Пуллик хизматлар бўйича 54,8 %ни ташкил этади (2.1.2-жадвал).

2.1.2-жадвал

**Қашқадарё вилоят иктисодиётининг асосий тармоклари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бажарилган ишлар
ва курсатилган хизматлар ҳажмида урта ва кичик тадбиркорликнинг салмоғи**

(фоизда)

	Саноат		Кишлоқ хўжалиги		Инвестиция		Курилиш		Савдо		Пуллик хизмат	
	2012 йил январ- декабр	2013йил январ- декабр	2012 йил январ- декабр	2013йил январ- декабр	2012 йил январ- декабр	2013йил январ- декабр	2012 йил январ- декабр	2013йил январ- декабр	2012 йил январ- декабр	2013йил январ- декабр	2012 йил январ- декабр	2013йил январ- декабр
Вилоят бўйича	11,2	10,1	68.8	74.5	63	100	31.5	40 6	30.9	30 7	59,5	60,0
Гузор	2,3	1,0	71,9	69,1	1,3	2,6	64,7	75,1	32,0	37,5	48,4	51,4
Дехқонобод	100,0	83,5	93,9	87,7	33,2	33,5	85,5	91,8	34,7	35,4	49,1	57,8
Камаш	36,2	18,3	74,1	81,0	9,6	52,1	64,8	86,1	16,6	26,3	59,8	58,7
Қариш т.	31,0	16,6	58,3	59,1	0,5	53,2	31,4	44,3	47,1	51,1	54,7	56,3
Қосон	11,2	7,1	69,9	83,5	6,2	4,9	22,0	34,5	39,9	41,3	54,4	63,3
Қитоб	68,8	58,4	68,4	68,0	47,1	39,8	66,2	51,5	18,7	20,3	57,7	62,5
Қиришқор	12,9	7,6	72,0	78,3	18,8	36,3	90,3	93,6	22,8	20,5	51,0	54,9
Қуборақ	1,0	0,6	74,8	74,2	1,6	1,3	14,3	21,6	20,9	18,2	45,5	61,7
Қишон	8,2	5,7	68,4	92,4	2,0	4,0;	15,0	32,0	16,2	18,7	50,4	60,9
Қасби	4,2	3,7	51,9	53,3	24,0	82,8	55,4	90,7	21,9	30,4	62,5	54,8
Қироқчи	34,6	20,8	81,2	78,2	24,4	39,1	60,4	84,0	22,0	33,7	49,2	58,5
Қаҳрисабз	29,8	26,0	69,3	65,2	13,7	52,8	20,9	28,5	26,9	36,6	52,3	53,4
Қақабог	16,3	16,5	70,8	83,6	34,6	83,0	60,5	78,7	39,2	39,7	51,0	53,2
Қариш и.	23,8	27,3	99,0	85,3	31,6	22,6	24,9	30,2	43,8	29,2	70,4	65,9

Бозор иқтисодиёти муносабатларни шаклланиши ва у билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар жуда ҳам кўплаб назарий ва услубий ғоялар, баҳсли ҳисобланган таассурот ва тушунчалар ҳақида мулоҳаза юритиш, қайта кўриб чиқиш ва аниқлик киритишни тақозо этади. Бу нарх-навони шаклланишини ташкил этилиши ва у билан боғлиқ бўлган яна бошқа ҳолатларга ҳам тегишлидир. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида нарх-навони ўрни ва роли энг муҳим, зарур бўлган ижтимоий категория бўлиб, бозор ҳам, нарх-наво ҳам товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқдир. У ижтимоий ишлаб чиқаришни тартибга солувчи ҳисобланиб, товар-пул муносабатлари ёрдамида бир тармоқдан иккинчи тармоққа, тармоқлар ўртасида ресурсларни бир-бирига ўтишига имкон беради. Хўжаликни бозор муносабатлари шароитида юритиш натижасида корхоналар, субъектлар мулк шаклидан қатъий назар, ҳар қандай ташкилий-иқтисодий қарорларни ўзларининг жавобгарлиги ва таваккалчилиги ҳисобига қабул қилади. Улар қачон, нима қанча, кимга ишлаб чиқаришни ва қандай нархда сотиш кераклигини ўзлари белгилайди.

Иқтисодиётни нормал ривожланишини йўлга қўйишда, айниқса иқтисодий қонунларга таяниш, чунончи қиймат қонунига нарх-наво ва нархларнинг шаклланиши механизмига амал қилган ҳолда эътибор берилади. Маъмурият орқали мажбурий равишда нарх-навони белгилаш бозор иқтисодиёти шароитида мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бозор нарх-навосини ҳосил бўлиши, нархларни шаклланиши ва нархлар модели тамойилларини кескин ўзгаришини тақозо этади. Нархларнинг ҳосил бўлиши бевосита ишлаб чиқаришда яъни корхоналарда эмас балки бозорда, яъни талаб ва таклиф, товар-пул муносабатлари таъсири натижасида юзага келади. Товарнинг нархи ва унинг фойдалилиги бозорда билинади ва у ерда ўзининг ҳақиқий нархини белгилайди. Шунинг учун ҳам бозорнинг иқтисодий категориялари ҳисобланган товар қиймати ва нархи ҳақидаги тасаввурлар

кескин равишда ўзгармоқда. Маҳсулотни фойдалилиги жамият аъзолари томонидан фақат бозорда нарх механизми орқали ижтимоий тан олинади.

Бундай назарий ғоя яқин вақтларгача мамлакатимизда иқтисодий фанлар томонидан ва нарх-наво амалиётида инкор қилинган эди. Аммо ҳозирги кунда ҳам нарх-навони шаклланиши ҳали маҳсулот ишлаб чиқарилмасдан туриб белгиланиш ҳоллари учраб туради, бу маҳсулот бозорда ўз харидорини топишидан қатъий назар товар ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат ижтимоий зарур харажатлар деб қабул қилинади. Бундай ҳолат таклифни талабдан устун бўлмаганлиги ва ишлаб чиқаришда якка монополияни мавжудлиги туфайли юзага келади. Бу шундан далолат берадики, бундай амалиёт бозор иқтисодиёти назариясига тўғри келмайди ва айрим муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Бозор шароитидаги нарх-навони шаклланиш механизми режали усулда нарх-навони белгилашга қарагандаги асосий фарқи шуки, нарх-наво маҳсулотни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳисобга олган ҳолда сотиш, ўтказиш нархи товарнинг эгалари ҳисобланган мулкдорлар томонидан аниқланиши керак. Фақат мана шундай ҳолатдагина товар ишлаб чиқарувчилар меҳнати билан меҳнат натижалари ўртасидаги узвий боғлиқликни тўлиқ сақлаш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий адолат томоийилларига амал қилиш мақсадида давлат томонидан маълум бир товарларга нарх-наво даражаси тартибга солиб турилиши мумкин. Ўзбекистонда аҳоли учун жуда ҳам зарур бўлган 8 та турдаги (асосан озиқ-овқатлар) товарларга нарх-навонинг чегараларини белгилаб берилган ва мулк шаклидан қатъий назар ҳар қандай савдо корхонаси, фирмаси шунга амал қилиши керак. Бу аҳоли ўртасида ижтимоий адолат мезонларини сақланиши учун хизмат қилади.

Шунингдек давлат томонидан стратегик аҳамиятга эга бўлган товарларга ҳам нарх-наво давлат томонидан тартибга солиниб турилади. Уларнинг харид қилиш, сотиш нархларини белгилайди. Қолган барча товарлар учун, мулк шаклидан қатъий назар, давлат нарх-навони

шаклланишини умумий қоидалари ва тамойилларини, айрим ҳолларда рентабелликнинг энг минимал ёки максимал даражасини кўрсатиб бериш орқали ўзининг бошқарув функциясини амалга оширади. Аммо давлат органларининг мулкдорлар маҳсулотларига у ёки бу аниқ нарх-навони белгилаб беришга ҳақлари йўқ ва қонун бўйича тақиқланган.

Шу билан бир вақтда бозор муносабатлари ва иқтисодиётни кўп укладлиги шароитида нарх-навони бозор механизми асосида шаклланиши айрим товарларга нарх-навони давлат томонидан тартибга солиниши ҳолатлари билан уйғун ҳолда олиб борилиши керак. Бу ҳақда республика Президенти И.Каримов шуни қатъий таъкидлайдики, «Бироқ, биз бозор иқтисодиётини танладикми, нархларни эркинлаштиришга мажбурмиз, охир-оқибатда шунга келамиз. Бусиз маҳсулот мўл-кўллигига, фуқароларимиз ҳаётининг фаровонлашувига эришиб бўлмайди. Аммо шуни унутмаслик керакки, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш бозорни ўз ҳолига ташлаб қўйишни англатмайди»¹. Ҳақиқатан ҳам нарх-навони шаклланишида бу фикрлар жуда қимматли бўлиб, Давлатнинг монополиясида бўлган электр-энергия, нефть ва газ маҳсулотлари, уй-жой коммунал хизматлари кабиларга нарх-навони белгиланиши давлат томонидан амалга оширилиб, аҳолини ижтимоий ҳимояси йўлга қўйилди. Иқтисодиётни бундай нисбат асосида бошқариш нархлар ёрдамида иқтисодий ривожланишнинг ҳал қилувчи соҳаларини мақсади ва бирламчи йўналишини аниқлаб беришдан ва тегишли нисбатларни шакллантиришдан иборатдир.

Эркин рақобат шароитида нархнинг асосида, энг юқори харажатларни ҳисобга олиш ётади. Нархни бундай тартибда аниқланиши маҳсулотга бўлган талаб билан бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам маҳсулотга талабни ортиб бориши, унга қўйиладиган нархни энг юқори харажатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Шу билан бир вақтда нархни сунъий равишда юқори қўйиш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, кейинги

¹ Каримов И.А. Эл манфаати - фаолиятимиз асоси.// Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. - Т.: Ўзбекистон, 1996. 247-б.

пайтларда бу жуда сезилмоқда. Ҳозирги иқтисодий қийинчилик шароитида бозордаги воситачилар сонини кўпайиши нарх-навони юқори бўлишига ҳам сабабчи бўлмоқда. Айниқса якка тартибда савдо-сотиқ билан шуғулланувчиларда бу жараён ривожланиб, умумий ривожланишга салбий таъсир этмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида маркетинг жараёнининг қўлланилиши, нархнинг аниқланиши, рақобатнинг кучайиши ресурслар ва капитални қайта тақсимлаш инструменти тўлақонли ҳаракатга келтиради. Бозор муносабатларини шаклланиши ва ривожланиши шароитида нархнинг даражаси фақат талаб ва таклиф таъсири натижасида аниқланмасдан, балки ўзида у яна бошқа кўплаб, аҳолининг тўлов қобилиятидан то жаҳон бозори нархигача бўлган омилларнинг таъсирига боғлиқдир. Чунки бир индивид учун жуда ҳам керакли бўлган нарса, иккинчи бир индивид учун кераксиз бўлиши мумкин. Мана шундай шароитда товарнинг зарурлиги, фойдалилиги ҳисобга олинади. Иқтисодчилар узоқ вақтлар аввал моддий борлиқнинг зарурлиги ва унинг нархи ўртасида маълум бир боғлиқликни борлигига эътиборни қаратишган. Бу боғлиқлик шунда намоён бўладики, истеъмолчи учун нарсанинг қанчалик фойдаси, кераклилиги кўп бўлса, унинг нархи шунча юқори бўлади. Шу билан бир вақтда иқтисодчилар нархнинг даражасига айтарли даражада таъсир кўрсатадиган бошқа омил ҳақида ҳам фикр билдирадилар ва бу омил ишлаб чиқариш ҳаражатларидан иборатлигини кўрсатиб беради.

Хусусий иқтисодиёт доирасида нарх-навони шаклланишига қатор ёндашувлар мавжуд бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида уларни ўрганиш, фойдаланиш, мақсадли қўллаш ҳар бир корхона, фирма учун жуда ҳам зарурдир. Ҳозирги шароитда нарх-навони ҳосил бўлиши механизми ёки уни шаклланиш жараёнлари қуйидагилардан:

- ҳаражатлар ёки сарфланган маблағлар негизида маҳсулотни таннархи ҳисобга олинади, сўнгра маълум фойда кўриш мақсадида бозордаги вазиятга қараб қўшимча миқдорни кўшиш;

- рақобатчилар билан паритет асосида, бу ерда таянч нарх сифатида юқори сифатли товарларнинг нарх даражаси ёки тармоқда юзага келган ўртача нархни ҳисобга олиш;

- товарнинг фойдалилик хусусиятлари ва сифатини ҳисобга олган ҳолда истеъмолчиларга мўлжалланган нархлар ва нархлар бўйича талабнинг эгилувчанлигини ҳам ҳисобга олишдан иборат.

Булардан шундай хулоса қилинадики, истеъмолчининг истеъмол талаби ва пировард натижада бозор талаби жами таъсирлар, яъни бир томондан унинг истаги ва дидига мослиги ва бошқа томондан, пул даромади чегараси ва бозор нархи воситалари орқали белгиланади.

Нархнинг ҳосил бўлиши жараёни билан боғлиқ бўлган товар нархи билан унинг истеъмол қийматларини ўзида гавдалантирувчи стандартлашган (объектив) талабларининг тўғридан-тўғри боғлиқлигини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Макарон маҳсулотлари билан гуручни бир-бири билан солиштирсак, у ҳолда 2.1.3-жадвалда кўрсатилган тасаввурга эга бўламиз.

2.1.3-жадвал

Маҳсулотлар ва уларни нархи объектив истеъмол хоссалари

	Макарон маҳсулотлари	Гуруч
Нархи, сўм/кг	450	500
Энергетик қуввати, ккал/100	338	330
Оқсил, г	10,6	7
Ёғлар, г	1,1	1
Углеводлар, г.	69,7	77,3
Витамин В ₁ ,мг	0,17	0,08
Витамин В ₂ ,мг	0,04	0,04
Витамин В ₆ , мг	-	0,018
Витамин РР, мг	1,22	1,6

Жадвалдан кўриниб турибдики, озиқ-овқат маҳсулотларининг бозор нархи, уларнинг объектив, яъни истеъмол хусусиятларини, чунончи, энергетик куввати, оксиллар, ёғлар, углеводлар, витаминлар ва ҳоказоларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб, иккита бир-бирига яқин бўлган маҳсулотни солиштириш асосида бозор нархи аниқланар экан. Шу тариқа, бошқа маҳсулотларга ҳам нархлар нисбати аниқланади. Бу модель, умуман нарх-наво ҳосил бўлишининг асосий хусусиятини, яъни товарнинг ҳақиқий таннархини аниқлаб берувчи объектив истеъмол хоссалари билан боғлиқ экан.

Нарх товар - пул муносабатларидан самарали фойдаланиш, бозор механизмларини шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий категория сифатида иштирок этади. Айниқса бу категория истеъмол маҳсулотлари бозорини мавжудлиги ва уни фаолият кўрсатиши механизмларини амалда аниқлаб берадиган асосий кўрсаткич ўрнида ўтиши бозор ҳолатини ўрганиш имкониятини беради. Талаб ва таклиф, рақобат ва нарх категорияларини ўзаро бир-бири билан узвий боғланганлиги ва уларни ҳисобга олган ҳолда фаолият юритишлик шундан далолат берадики, жамият аъзолари учун зарур бўлган товарлар ва хизматлар ресурсларидан имконият даражасида самарали фойдаланиш лозим. Аҳоли, яъни харидорлар шундай маҳсулотлар учун пул тўлашга ва уларни харид қилишга тайёр. Талаб ва таклиф сотилаётган ва харид қилинаётган товарлар миқдорини аниқлаб беради ва у ёки бу товарга нарх-наво тизимини шакллантиради. Нарх-наво ўз навбатида ҳам сотувчига, ҳам олувчига бозордаги ҳолат, вазият ҳақида тўлиқ маълумот беради. Бошқача қилиб айтганда нарх-наво даражаси орқали аҳоли учун зарур бўлган товарларни бозорлардаги ҳолати билинади.

Шуни такидлашимиз лозимки, бозор муносабатлари шароитида нархларнинг асосий хусусияти - уларнинг доимо ўзгариб туриш мойиллигидадир. Бу табиий ҳол бўлиб, нархлар даражаси талаб ва таклифнинг ўзаро боғлиқлиги ва улар, нисбатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳам аниқланиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳаракатчандир. Товарнинг бозордаги ҳаракатини тартибга солиш ва бошқариш, бозорга янги истеъмол товарлари киртилишини

ва эскирганларни бозордан сиқиб чиқаришни таъминлайди. Нархлар ҳеч қачон сабабсиз ўзгармайди. Масалан, бирор камчилиги бўлган ва маънавий эскирган товарлар пасайтирилган, хаттоки, туширилган нархлар деб аталувчи нархларда сотилади. Юқори нархлар эса сифатли, янги истеъмол қобилятига эга бўлган товарларга ўрнатилади. Нархларнинг ўсиб кетиш сабаблари бўлиб: талабнинг таклифдан ўсиб кетиши; меҳнат ҳақининг ўсиши, меҳнат унумдорлигини товарлар ишлаб чиқаришдан ошиб кетиши; асосий капитал, асбоб-ускуна, ишчи кучи ва ердан фойдаланиш самарасини пастлиги; харидорларнинг бор товарларни, маҳсулотларни ёппасига сотиб олиши; сотувчиларнинг юқори нарх қўйиши; давлатнинг маълум бир фавқулотда фаолияти(бюджет танқислиги), молия-кредит бозоридаги носозликлар ҳисобланади.

Нархларнинг пасайишига таъсир этувчи омиллар бўлиб: таклифнинг талабдан ошиб кетиши; даромадлар ва меҳнат унумдорлигини товарлар ишлаб чиқаришни ўсишига тенг бўлиши; асосий капитал, ишчи кучи ва ердан фойдаланиш самарасини ошганлиги; харидорнинг товарни сотиб олишга ҳоҳиши йўқлиги; бюджет тенглашган шароитда ва хоказолар ҳисобланади.

Давлат томонидан нарх-навонинг ташкил қилиш жараёни ва фирмаларнинг нарх сиёсатига аралашуви баъзи бир товарлар бозорларида анча кучли таъсир ўтказади. Ишлаб чиқаришнинг йириклашуви ва марказлашуви қанчалик кучли бўлса, давлат томонидан бозор механизмига аралашуви кучсиз бўлади. Бироқ, нархларни ўрнатиш жараёнида рақобат кучга киради. Бу айниқса саноат товарларида яққол намоён бўлади. Натижада бир хил товарга турлича нархлар ўрнатилиши жараёни юзага келади. Агар тайёр саноат маҳсулотлари ва хом ашё товарларини солиштирар эканмиз, биринчи гуруҳ товарлари ассортиментнинг янгиланиши, фан-техника тараққиётининг юқорилиги, бу товарлар бозорининг ҳаракатчанлиги, рақобатнинг имкониятлари ва қўламининг юқорилиги, нархлар хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бунга қарама-қарши ўлароқ ёқилғи, хом ашё товарларининг нархи даврий, умумхўжалик ва конъюнктура тебранишлари ва бозордаги чайқовчилик омилларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Субъект нархнинг аниқ даражасини аниқлар экан, авваломбор

мавжуд бозор нархларига, ёки ишлаб чиқариш харажатларига ёки мақсадли фойда нормаси деб аталувчи усулга таянади. Биринчи усул - эркин бозор шароитида кенг тарқалган вазиятлар. Бу шароитда товарлар ассортиментни анча барқарор (уларни янгиланиб туриши ҳам инкор этилмайди), бозорда сотувчи ҳам кўп, харидор ҳам. Бу енгил саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, асбоб-ускуналарнинг баъзи бир турлари учун характерлидир. Бундай шароитда нарх бозордаги ҳал қилувчи омил ҳисобланмайди. Автомобиллар, қора ва рангли металллар, нефть ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари каби бозорларда, қаердаки, ишлаб чиқаришга яккаҳокимлиқ кучли бўлган жойда нархлар харажат ва фойдага таяниб ўрнатилади. Шунинг учун ҳам бу вазиятда субъект ва давлат нархлар сиёсатида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Демак нарх-наволарни шаклланиши бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топиши натижасида янги услубда амалга оширилиб иқтисодиётнинг барча тармоқларида сарф бўлган харажатларни қоплаши ва маълум даражада фойда кўриш учун йўналтирилган бўлади. Мана шундай шароитда ҳар бир хўжалиқ субъекти рақобат тизимларига бардош бера олиш хусусиятига эга бўлади ва самарадорлик кўрсаткичларини юқори бўлишига эришади.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг пировард натижаси озиқ-овқат ҳисобланади. Аммо озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг нарх эластиклиги, одатда жуда паст. Истеъмолчилар асосий маҳсулот турларини нарх-наво ўсиши ёки пасайишидан қатъий назар, амалда ўзгармаган ҳажмда харид қиладилар. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда саноати ривожланган мамлакатларда истеъмол маҳсулотларига ўртача эластик коэффициенти 0,20-0,25 га тенг, яъни маҳсулот сотиш ҳажмини 10 фоизга ошириш учун, фермерлар нарх-навони 40-50 фоизга туширишлари керак экан².

Истеъмол маҳсулотларига талаб даромадлар бўйича эластикликка эга эмас. Аҳолининг даромади ортиб бориши билан кундалиқ физиологик эҳтиёжлардан ортиқ бўлган маҳсулотини истеъмолчиларда яна керагидан ортиқ харид қилиш истаги туғилмайди. Бошқача қилиб айтганда даромаднинг ўсиб бориши

² Серова Е. В. Аграрная экономика -М.: ГУВШЭ, 1999, с.18.

истеъмол маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳам унга тенг ҳолда ўсишига сабабчи бўлмайди.

Истеъмол маҳсулотларига талаб нарх омили орқали аниқланмасдан, балки нархдан ташқари омилларнинг ҳам мавжудлиги билан белгиланади. Бундай омиллар қаторига истеъмолчиларнинг хоҳиши ва бошқа товарларга қараганда афзал кўриши; бозорда истеъмолчиларнинг сони, истеъмолчиларнинг пул даромадлари; турдош маҳсулотларга бўлган нарх-наво; истеъмолчиларни нархга ва ўзларининг даромадларига нисбатан кутиши қабилад киради. Мана шундай шароитда нарх-навони аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан истеъмол маҳсулотларида ҳосил бўлиши механизмини ўрганиш жуда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда нарх-навони шаклланиши товарлар ва хизматларнинг барча турларига ўсиб боришини қайд қилган ҳолда истеъмол маҳсулотларига ҳам нарх-наво кўтарилиб бораётганлигини ҳисобга олиш зарур. Ўзбекистон ҳукумати кейинги йилларда истеъмол маҳсулотларини етиштирувчилар учун уларни моддий қизиқтириш ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида етиштирилган истеъмол маҳсулотлари учун бир неча марта харид нархини оширишга эришди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолини турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилмоқда. 2011-2013 йилларда истеъмол маҳсулотларини турли савдо каналлари орқали сотилишининг ўртача сотиш нархини ўсиш суръати 2.1.4-жадвалда берилган.

2.1.4-жадвал

**2011-2013 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналари маҳсулотларини
сотиш нарҳини ўсиш суръати*
(аввалги йилга нисбатан фоиз ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	2011й.	2012 й.	2013 й.
I. Истеъмол маҳсулотлари шу жумладан:	123,1	148,9	148,3
1. Ўсимлик маҳсулотлари Шундан:	120,1	151,8	145,4
дон	140,8	150,6	130,8
пахта	110,2	154,8	149,0
картошка	111,9	203,0	122,2
сабзоватлар	107,5	130,5	179,5
2. Чорвачилик маҳсулотлари шундан:	147,7	128,6	169,4
йирик шохли қорамол	144,0	137,9	169,6
қўйлар ва эчкилар	153,4	138,0	162,2
паррандалар ва қушлар	169,1	123,8	171,9
сут ва сут маҳсулотлари	140,8	133,8	177,5
тухум	121,6	130,9	164,7

* Касби тумани статистика бўлими материаллари ва талабанинг ҳисоб-китоблари асосида тайёрланди

Истеъмол бозорида нархлар даражаси жуда кўп омиллар таъсирида шаклланиб, бозорнинг тури, сотиладиган товарлар тури, талаб ва таклиф, рақобатчилик, давлат сиёсати ва бошқалар асосий ролни ўйнайди. Истеъмол маҳсулотларига нарх-навони ҳосил бўлишида максимал сотишни асослаш, энг юқори даражадаги фойдани кўриш ва мавжуд ҳолат билан ҳисоблашиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу билан бир вақтда нархнинг шаклланишида, асосан сотувчининг нарх-наво сиёсати ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг бевосита, яккама-якка иштирокида амалга ошириладиган савдо жараёнларида содир бўладиган нарх-наво сиёсатининг ўзига хос ўрни ва роли бўлиб, у иқтисодиётда талаб ва таклиф категориялари билан узвий боғлиқликдадир. Истеъмол маҳсулотлари бозорида товарлар ва хизматлар олди-сотдиси асосида амалга оширилиб, бу ерда нарх бозорга жалб қилинган ҳодиса ва жараёнларнинг энг муҳим иқтисодиёт ўлчовидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, бозор рақобатида товарларнинг алоҳида олинган нархи эмас, балки икки товарнинг нисбий нархи, яъни нисбатлари ҳисобга олинади. Шунингдек, ўзини таннархини қопламаган ҳар қандай товар самарасиз ишлаб чиқариш ҳисобланади, чунки мавжуд ресурслар ҳисобига шундай даражани танлашимиз мумкинки, бу шароитда бир турдаги маҳсулотдан бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмаган ҳолда кўп ишлаб чиқариш имконига эга бўлиш мумкин. Бу эркин рақобат шароитида содир бўлиб, истеъмол бозори нарх-наволарини шаклланишида унга катта эътибор берилади. Бозорда сотиш учун мўлжалланган товар нарх-навога боғлиқ бўлган ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда рақобатда бўлиши мумкин.

Нарх рақобати - одатда бу товарларга нархни ўзгартириш натижасида содир бўлади. Нархларни пасайтириш ҳисобига маҳсулотнинг сотилиши амалиётда қабул қилинган. Аммо бундай қилишлик учун рақобатчилар харажатлар йиғиндисининг энг кичик миқдорига эга бўлмоқликлари даркор. Акс ҳолда сотилган маҳсулотдан фойда кўрилмайди. Кичик бизнес ва тадбиркорликкорхоналари фаолиятига қараганда якка шахсларнинг фаолияти

кам ташвишли ҳисобланади. Чунки якка тартибда иштирок этувчи сотувчилар қарийб зиёнига ишламайди. Улар вужудга келган конъюнктура ҳолатидан фойдаланган ҳолда ўз маҳсулотларини ҳар доим фойдасига сотишга эриша оладилар. Маҳсулотларни улгуржи харид қилиб, аввалдан белгиланган нархда сотишга ҳаракат қилувчи корхонада муаммолар туғилиши мумкин. Истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш турли объектив ва субъектив сабабларга боғлиқ бўлгани учун ҳам бозорда нарх-навони ўзгариш тенденцияси ҳар доим мавжуд.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим томонларидан бири бу талаб ва таклифнинг ўзаро нисбатларининг намоён бўлишидир. Ҳар қандай шароит, вақтда иқтисодий конъюнктура, у умумхўжалик ёки алоҳида олинган субъект ёки товар нуктаи назаридан қаралишидан қатъий назар, рақобат шароити ва нархлар динамикаси асосида бозорда юзага келадиган талаб ва таклиф нисбатларига боғлиқ бўлади.

Бу ерда таклифни ишлаб чиқариш фаолияти натижаси деб қараш мумкин ва сотиш учун мўлжалланган товарлар миқдорини ўзида гавдалантиради. Таклифнинг компонентлари бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун бозорга келтирилган қисми ҳисобланади, уларнинг миқдори таклифнинг реал даражасини кўрсатади.

Талаб жамиятнинг эҳтиёжини гавдалантириб, ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида фойдаланиш ва инсонларнинг физиологик эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади. Ишлаб чиқариш истеъмоли (машиналар, ёқилғилар, хом ашёлар, жиҳозлар) технологик ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, бу ерда ишлаб чиқариш ва истеъмол бир-бирига ўхшаб кетади. Шахсий истеъмол инсонларнинг ҳаётий талаб-эҳтиёжларини қондириб, уларнинг шахсий талаби, уларнинг пул даромадлари, сотиб олиш қобилиятлари каби категориялар билан узвий боғлиқдир ва уларнинг ҳар бири талабнинг шаклланишида у ёки бу даражада иштирок этади.

Айниқса истеъмол маҳсулотлари учун талаб даражаси, динамикаси ва унинг фаоллиги бозордаги вазиятдан ва ишлаб чиқарувчиларнинг

имкониятидан келиб чиқади. Озиқ-овқат маҳсулотларига талаб қатор ўзига хос бўлган хусусиятларга эга бўлади, бозорда содир бўладиган жараёнлардан келиб чиқади. Истеъмол маҳсулотларининг охириги пировард натижаси озиқ-овқат маҳсулотларига талабни қондириш асосий масала ҳисобланади. Бозор эса айнан шу маҳсулотларга бўлган талабни қондиришда воситачи вазифасини бажаради ва истеъмолчилар учун зарур бўлган таклиф миқдорини белгилаб беради. Айниқса аҳолининг истеъмоли учун мўлжалланган талаб миқдори чакана савдо каналлари орқали амалга оширилиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган натижавий талаб қондирилади. Бу жараён давлат савдоси, матлубот уюшмаси, умумий овқатланиш, деҳқон бозори савдосида содир бўлади ва шу орқали такрор ишлаб чиқариш амалга ошади.

Одатда истеъмолчилар чекланган моддий неъматларни (хизматларни) харид қилиш учун маълум бир баҳони тўлашга мажбур бўлишади. Талабни шаклланишини оддий шаклда таҳлил қилиш учун масалан, маълум бир баҳо бир хил пул кўринишида бўлиши керак деб фараз қилайлик. Талаб миқдори, масалан бозорда 2013 йилда сотилган макарон маҳсулотининг миқдорига тенг бўлиб, харидорлар уни ўртача 500 сўмдан харид қилишади. Бу маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида ҳам мавсумида ҳам ва бошқа пайтларда ҳам бу маҳсулотга талаб бир хилда бўлади. Аммо мана шундай шароитда нарх-наво бозордаги таклиф миқдори таъсирида ўзгаришга мойил бўлади. Мана шу ерда талаб ва таклиф қонунини амал қилиш содир бўлади ва бу қонун одатда нарх-наво билан талаб миқдорини бир-биридан ажралган ҳолдаги муносабати туфайли юзага келади.


Қашқадарё вилояти кичик бизнес ва тадбиркорликкорхоналарида намоён бўладиган талаб категориясини қарайдиган бўлсак, у бозорда юзага келадиган эҳтиёжни ифодаловчи шаклдир ва у маълум бир миқдордаги пул маблағлари билан таъминлангандир. Агар одам бозорда ўзига яхши кўринган зарур товарни кўрса, лекин уни олиш учун етарли маблағи бўлмаса, у ҳолда бундай эҳтиёжни талаб деб қараш мумкин эмас.

Истеъмол маҳсулотларини сотилишида савдо шаклларида фойдаланиши ва уларнинг ривожланишида ташкилий масалаларга кўпроқ эътибор бериш жуда муҳим масалаладир. Аҳоли пул даромадини кўп бўлиши тўйимлилиги жиҳатидан нархи баланд бўлган товарлар, чунончи, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, парҳез маҳсулотлари ва бошқа қимматбаҳо нархдаги ўсимлик маҳсулотларининг харид қилинишига сабабчи бўлади, даромадларни камайиши эса сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз экинларига талабни орттиради. Мана шундай шароитда масалан, гўшт маҳсулотлари ўрнига кўпроқ сабзавотларни истеъмол қилиш, қайта ишлайдиган маҳсулотлар ўрнига тайёр ёки ярим тайёр маҳсулотларни истеъмол қилишга ўтишини кўзда тутиш мумкин.

У ёки бу маҳсулотни кўп ёки кам бўлиши бир маҳсулот ўрнига худди шунга ўхшаш маҳсулотлар орқали талаб қондирилишини тақозо этади. Таклиф миқдори маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотнинг бозор нархи уларни қаноатлантирадиган даража маълум бўлса, уни ишлаб чиқаришга киришадилар ва бозорда сотишга ҳаракат қиладилар.

Таклиф қонуни шундан далолат берадики, агар нарх-наво маҳсулотга пасайса, у ҳолда маҳсулотнинг бозорга тушадиган миқдори ҳам камаяди. Бу эса товарнинг нархи билан таклифи ўртасида тўғри алоқа мавжуд бўлишини тақозо этади.

Талаб ва таклиф миқдорлари бир-бирига тенг бўлгандагина ягона тенглаштирувчи нарх бўлади. Рақобатли тенглилик ҳар доим талаб ва таклифни кесишган нуқтасида бўлади ва у 2.1.1 - расмда ўз аксини топади.



2.1.1-расм. Нархнинг тенглик нуқтаси.

Нархни фақат OP_1 даражада бўлиши бозорда сотувчи сифатида иштирок қилаётганлар ва олувчи сифатида иштирок қилаётган харидорлар манфаатига мос келиши мумкин. Бу шундай вазиятда содир бўладиган бозордаги талаб ва таклиф ҳажми ўзаро тенг бўлиб, нархлар тенглиги юзага келади. Ҳар бир олинган товар учун нархлар тенглиги алоҳида ҳисобланади. Талаб эгрилиги шуни кўрсатадиган истеъмолчилар у ёки бу нарх даражасида қанча миқдордаги товарни сотиб оладилар, таклиф эгрилиги эса шуни кўрсатадиган, у ёки бу нархда ишлаб чиқарувчилар қанча миқдорда товар сотишга тайёргарликларини кўрсатади.

Истеъмол маҳсулотларида талаб функцияси билан биргаликда таклиф функцияси ҳам асосий категориялардан бири ҳисобланади.

2.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида маҳсулот сифати ва уни ривожланишга таъсири

Бозор иқтисодиёти муносабатларини қарор топиши шароитида бозорда харидор сифатида иштирок қилувчи субъект эркин бозордаги қаби бўладиган муносабатни ўзида ифодалайди. Савдо жараёнида талаб ва таклифнинг бозор тенглиги моделини ва вақтинчалик омиллар таъсирида уни ўзгаришини қарайдиган бўлсак, у ҳолда шу нарсани таъкидлаймизки, истеъмолчининг ҳатти - ҳаракатини ифодаловчи асос бўлиб, маҳсулот сифат ҳисобланади.

Маҳсулот сифати асосий мезонлардан бири бўлиб, кичик бизнес ва тадбиркорликкорхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчилар томонидан тан олинishi ҳолатини белгиловчи шартларидан бири саналади. Бозордаги талабнинг хусусиятлари шундаки, маҳсулот сифатининг пасайиши билан унинг миқдори ёки ҳажмини ортиши кузатилади. Маҳсулотнинг сифати ва талаб миқдори ўртасида ўзаро алоқа мавжуд бўлиб, энг аввало харидор учун нарх ўзига хос бўлган тўсиқдир. Ваҳоланки, товар қийматини юқори бўлиши, уни шунчалик кам сотилишини

таъминлайди. Бошқа жиҳатдан, нархнинг пасайиши товарнинг кўпчилик харидор учун харид қилинишини таъминлайди, сотилаётган товарлар сифатини ортиши ва ҳажмини қупайиши билан харидорлар сони ҳам ортиб боради.

Маҳсулот сифати кичик бизнес ва тадбиркорликкорхоналарида маълум бир давр орлиғида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан сотиш учун тақдим қилинган маҳсулот миқдориға бевосита таъсир кўрсатади. Сифат нарх-наво билан таклиф қилинаётган маҳсулотлар ўртасидаги боғлиқликни билдириб, нархнинг пасайиши билан таклиф миқдори ортади, ва унинг тескараси содир бўлади, ва бу жараён биринчи навбатда, маҳсулотсифатини талабга жавоб билан белгиланади.

Сифат ва талаб функциясидан фойдаланиш асосида нархларни оптималлаштириш, минтақавий иқтисодиётининг муҳим босқичи ҳисобланади. Унинг барча босқичларида талабнинг қисқа моделидан фойдаланилади ва унинг моҳияти шунда намоён бўладики, бозорда битта товар мавжуд ва унинг бозор нархи ўзгариб туради. Агар харидор етарли маблағга эга бўлса, у товарни харид қилади, акс ҳолда товарни харид қилишдан сақланади. Амалиётда одатда товарларнинг ассортимент қаторидан фойдаланилади. Ассортимент қаторларнинг турлича бўлиши, товарнинг сифати ва нархнинг даражаси бўйича ажралиб туради. Шунинг ҳисобига ассортимент қаторлари истеъмолчининг барча эҳтиёжларини тўлиқ қоплаб олиш имкониятини яратади. Бу шароитда талаб функцияси бошқа тарзда намоён бўлади. Пулнинг етишмаслиги туфайли сифатли гўшт маҳсулоти ўрнига, сифати паст бўлган гўшт маҳсулоти ёки бошқа маҳсулот харид қилиниши мумкин.

Нарх - навонинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган талабнинг эластиклик даражаси талаб эластиклигининг нарх коэффициентини ўзида ифодалайди ва у талаб миқдорининг фоизли ўзгариши нисбатини нархнинг фоизли ўзгаришига нисбати каби аниқланади. Масалан, нарх -навони 2 фоизга ортиши, талабни 10 фоизга камайиши талабнинг эластиклик

коэффициентини - 5 га тенглаштиради. Бу ерда манфий белги нарх билан талаб ўртасида тескари боғланиш борлигидан далолат беради. Бу коэффициент, одатда, ҳар доим ҳам манфий миқдорга эга бўлмайди. Амалий жиҳатдан нархнинг камайиши сотиш ҳажмини шу даражага кўпайтириши мумкинки, маҳсулотни кам нархда сотиш туфайли харажатлар қопланиши мумкин, у ҳолда талаб эластикли деб ҳисобланади, ва аксинча ноэластик ҳолат юзага келади. Агар нарх-навонинг ўзгариши талабга ҳам, таклифга ҳам таъсир кўрсатмаса, бундай ҳолатда бозор муносабатларини содир бўлиши кутилмайди. Шундай қилиб, эластик талаб шароитида маҳсулотларни сотишдан келган даромад, айрим ҳоларда маълум чегараларда бу маҳсулотларга нархнинг камайиши туфайли кўпайиши мумкин.

Талаб қуйидаги шароитларда кам эластикликка эга:

- Маълум бир маҳсулотни бошқа бир маҳсулот билан алмаштириш имкони умуман йўқ, ёки рақобатчилар йўқ.

- харидорлар нарх-навони ошганлигини сезмай қоладилар.

- харидорлар харид қилишдаги одатларини секин ўзгартирадилар. Бозордаги сотувчилар бошқа товарларни топиш учун кескин ҳаракат қилмайдилар.

- харидорлар нарх-навони ортишини товар сифатини кўтарилиши, инфляция ва бошқаларга боғлиқ деб ҳисоблашади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда такомиллашган бозордаги каби ҳислат бўлиб, бу ерда тенглашган нарх сотувчининг ва харидорнинг тенглик асосида амалга ошириладиган савдоси натижасида ўрнатилади. Шу билан бир вақтда, амалиётда, ҳар қандай олди - сотди жараёни якка индивидларга маълум бир даражадаги самара олиш имконияти билан белгиланади.

Сифат ва талаб функциясидан фойдаланган ҳолда нарх-навони оптималлаштириш бозор иқтисодиёти тамойилларининг муҳим талабларидар биридир. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, субъектлар одатда, худди битта товар мавжуд ва фақат унинг нархи ҳақида мулоҳаза бўлиши мумкин деган

талабнинг тор моделидан фойдаланадилар. Агар харидор зарур маблағга эга бўлса, у товарни харид қилиши мумкин, акс ҳолда буни амалга ошира олмайди. Амалиётда эса, қоидага кўра товарларнинг ассортимент қаторидан фойдаланилади. Товарлар ассортимент қаторининг турли элементлари сифати бўйича ҳам, нарх-наво бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шунинг ҳисобига ассортимент қаторларини ҳисобга олиши мумкин. Бу ҳолатда талабнинг функцияси бошқача тарзда намоён бўлади. Пулнинг камлиги шароитида, масалан макарон маҳсулотларидан маълум турини харид қилиш ўрнига, бошқа арзон турини харид қилиш мумкин.

Маҳсулотларни савдо шахобчаларида сотилиши товарлар ассортименти қатори усулидан фойдаланиб таҳлил қиладиган бўлсак, айрим маҳсулотларнинг нархларини оптималлаштириш имкониятлари 2.2.1-жадвалда берилган. **Касби туманида** фаолият юритувчи кичк бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқарилган.

2.2.1-жадвал


Касби тумани кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни турлари бўйича нархларини оптималлаштириш

Маҳсулот-лар турлари	Бошлан- гич нарх (сўм) (x_1)	Охирги нарх (сўм) (x_n)	Элемент лар сони (n)	Нархлар оралиги ($x_n - x_1$)	Нархлар ўзгаришин инг ўртача миқдори ($\frac{x_n - x_1}{n-1}$)	Нархларни нисбий ўртача ўзгариши $1/(n-1)$
Кондитер маҳсулотлари	2300	4800	14	1500	115	8
Макарон маҳсулотлари	200	500	12	300	27	9
Сабзовот лар	70	320	15	250	18	7
Полиз экинлари	70	270	7	200	25	17
Хўл мевалар	50	600	14	550	46	8
Қуруқ мевалар	300	3200	9	2700	337	13
Дон маҳсулот лари	80	280	8	200	28	17

Жадвал дан кўриниб турибдики, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича нархлар орлиғида етарли даражада фарқлар бўлиб, улар маҳсулот сифати билан бевосита боғлиқ.

Кондитер маҳсулотларининг нархлар орлиғи учун нархлар катори элементларини янада кўпайтириш мумкин. Бунинг учун пастки чегарадаги нархларни 20-25 фоизга, юқори нарх чегарасини эса 10-15 фоизга камайитириш керак. Шунингдек, полиз экинлари, дон маҳсулотларига нархлар катори элементларини кўпайтирган ҳолда маҳсулот сифати бўйича талаб кондирилишига эришилади.

Олиб борилган кузатишлар натижасида шу нарса кайд қилиндики, айрим маҳсулот турлари бўйича таянч нарх нуқталари билан талаб эгрилиги кўрилганда нарх даражаси ҳар доим ҳам харидорларнинг ҳаммаси учун мақбул бўлмас экан ва унинг натижасини 2.2.1-расмдан билса бўлади.



2.2.1-расм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари маҳсулотларига таянч нарх нуқталари билан талаб эгрилиги.

Расмдан кўриниб турибдики талаб эгрилиги чизигида аҳолининг даромадига караб катта ўзгаришлар мавжуд. Ҳар бир таянч нархи бўйича барча сўралганлардан олинган жавоб турлича бўлиб, масалан 500 сумдан курук мевалар истеъмол қилиши мумкин бўлганларнинг ҳаммасидан 94,0 фоизи нархни биз учун мақбул деб топишди. 2400 сўмдан қилиб таянч нархи белгиланганда сўралганлардин 11,2 фоизигина бу нарх-наво биз учун маъқулдир деб жавоб беришган.

Нафақат йил, квартал, ой давомида, балки бир кунда бир-неча марта ўзгариши ва айрим ҳолларда ўзининг таннарахини оқламаслиги ҳам мумкин. Бу одатда тез бузулувчан, сифатини тез йўкотадиган товарларга нисбатан содир бўлади. Бозорда нарх-навони ўзгариб бориши, ҳозирги иқтисодий ислохатларни амалга ошириш жараёнида доим мавжуд бўлади ва у ҳар доим ўсиш майлига эга. Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган кичк бизнес ва тадбиркорликкорхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини ривожланиш талабларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилиши савдо жараёнида шаклланадиган нарх-навога ҳам боғлиқ бўлиб, ундан ўзгаришлар эркин иқтисодиёт шароитида рақобатчилик муҳитини жонланишига олиб келди.

Касби туманида кичик бизнес ва тадбиркорликкорхоналари учун нарх-наволар ҳозирги ўтиш даври учун хос бўлган хусусиятни ҳисобга олган ҳолда, барча товарлар учун тааллуқлиги қайд қилинган. Нарх-навони ўсишига мамлакатда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳам таъсир кўрсатиб, нарх-наво даражасини юқори бўлиши содир бўрмоқда.

Касби туманидаги кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар маҳсулотлари нархини ўзгаришини 2007-2013 йилларда ойма-ой кузатиб бориш ва уларнинг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш натижасида, маҳсулотларнинг нархи талаб ва таклиф таъсирида нисбатан кўпроқ ўзгарувчанлиги аниқланди, ва у жараён бошқа маҳсулотларга ҳам тегишлидир. Маҳсулотларининг ҳамма тури бўйича нархларни йил давомида талаб ва таклиф нисбатларини ҳисобга олган ҳолда сезиларли даражада

ўзгаришлар содир бўлган. Умуман олганда бозорларда нарх-навонинг ҳосил бўлиши мавсумий ишлаб чиқариш ва сотиш омилларига жуда ҳам боғлиқ бўлиб, **Касби тумани** бўйича кейинги йилларнинг ойларида кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқарилган макарон маҳсулотларига нархларнинг шаклланишини 2.2.2.-жадвалдан кўришимиз мумкин.

2.2.2.-жадвал**Касби тумани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлари ишлаб чиққан ва
сотилган кондитер маҳсулотларининг ойлар
бўйича ўртача нархидаги ўзгаришлар**

Ойлар	1 кг учун нарх сўмда						
	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Январ	200	250	350	400	410	430	450
Феврал	220	250	365	400	420	440	470
Март	210	240	360	390	420	420	460
Апрел	220	250	355	410	410	430	450
Май	230	260	350	420	430	480	500
Июн	235	265	370	410	450	530	550
Июл	245	270	380	440	460	550	580
Август	240	280	380	450	470	540	570
Сентябр	250	280	350	455	440	510	520
Октябр	230	260	340	410	430	480	510
Ноябр	220	250	340	400	430	470	490
Декабр	220	245	290	395	420	460	490

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2007-2013 йилларда Касби туманида макарон маҳсулотларига нарх узлуксиз равишда ўзгариб туриш хусусиятига эга бўлиб, I кварталда унга нархнинг нисбатан камайланлигини кўрамиз.

3-бoб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш истиқболларини таъминлаш йўллари


Харидорнинг айрим бир эҳтиёжлари тенг ёки қисман узгарадиган шароитларда бир хил ёки ҳар хил усуллар билан кондиритишга мувожжалланган хилма-хил товарлар айти бир пайтда таклиф этилади. Бундай шароитда истеъмолчи узининг қиймат бирлиги буйича рақобатчилар товарларига қараганда эҳтиёжни қупрок ва юқори даражада қондиритган товарни танлайди. Мабодо товар сотилмаган бўлса ва харидор бошқа компания махсулотини танлаган ва мазкур товарни рад этган бўлса, унда бу компанияни паст қаражатлар ҳам, юқсак меҳнат унумдорлиги ҳам жонига ора қирмайди. Қасодга учраш ҳавфи аниқ ҳақиқатга айланади.

Бозорда жуда қуп ишлаб қикарувчилар ҳамда истеъмолчилар фаолият олиб борганда янги рақибларнинг пайдо бўлиши учун замин яратилади ва бунинг натижасида нархлар талаб ва таклиф таъсирида эркин узгариб туради. Бундай шароитда рақибларнинг биронтаси ҳам нархларга ёки бошқа усуллар билан бозрдаги ҳолатда таъсир қурсатиш учун етарли даражада қудратга эга бўлмайди. Амалиётда ишлаб қикариш ва сотишнинг қатта қисмини назорат қиладиган бир неча йирик фирмаларнинг рақобати қуп учрайди. Уларнинг ҳар бири бозор қиёсатини мустанкил юритади, аммо айти пайтда уларнинг барчаси узаро бир-бирига боғланиб қетган ва рақиблар стратегияси билан ҳисоблашишга мажбур. Масалан, АКШда 200та энг йирик қорпорациялар мамлақат саноат ишлаб қикаришнинг ярмига яқинини назорат қилади. Японияда туртта энг йирик фирманинг 96 саноат қичик тармоқларида солиштирма ҳиссаси 60 % ни, 67 қичик тармоқда 70 % ни, 46 қичик тармоқда - 80 % ни ташкил этади. Англияда икки компания жами ЭХМларнинг 3/4

кисмини, Италияда бир компания автомобилларнинг 90 % ини, яна бошка бири чуяннинг 94 % ини ишлаб чикаради.

Йирик компанияларнинг уз капиталини жадал жамгариши бундай тупланишнинг усишига ёрдам беради. Йириклашувнинг дастлабки боскичларида ракобат, ракобат билан бирга майда фирмалар, корхоналарнинг узаро сингиб ва кушилиб кетиши аксарият тармок ичида руй бериб келган. Шунга кура ҳам ракобат тармок ичида, яъни бир хил товарларни ишлаб чикувчилар ишлаб чикариш ва махсулотни сотишнинг энг кулай шароитлари учун, шу товар бозорининг катта хиссаси учун узаро курашиб келганлар. Факат узлуксиз такомил, ишлаб чикаришни ривожланиш билан кулга киритиладиган устама фойда олиш учун бир тармокдаги корхоналараро ракобат илмий-техника прогрессига эргашиб бориш билан чекланмай, узига хос "мода йурикчиси" тарзида хамиша олдинда булиш интилади. Худди шу икки тармок ракобати туфайли бозор иктисодиёти хукмрон булган купгина мамлакатлар уз ракибларини мохият-эътибори билан олганда саноат инкилоби давридаёк ортда колдириб кетди. Шунинг учун ҳам бозорда ишлаб чиқарувчилар ва харидорларнинг ракобатбардош махсулотларни сотиш ва харид қилиш билан боғлиқ харакатлар турли омиллар, тадбирлар асосида белгиланади.

Расмдан кўриниб турганидек, капитални тармоклараро ракобатга йуналтирилиши тармоклардаги ишлаб чиқарувчилар уртасида капитални энг кулай ҳамда фойдали жойлаштириш сохалари учун кураш пайдо булишига сабабчи бўлади. Тармоклараро ракобат натижасида маблаглар иктисодиётнинг паст рентабелли тармокларидан юкори рентабелли секторларига интилади. "Тармоклараро ракобат" атамаси яна бошка бир ходисани ифодалаш учун ҳам ишлатилади - турли тармокларда, аммо ухшаш, бир хил эхтиёжларни кондиритишга мулжалланган махсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва шу сабабли бозорда харидор учун курашувчилар уртасидаги ракобатни ҳам ифода этишда кулланилади.



3.1.1-расм. Ишлаб чиқарувчи ва харидорларнинг рақобатбардош маҳсулотлар ҳаракати

Диверсификация ракобат киёфасини хамда корпорацияларни бошқариш тизимини узгартириб юборди. Йирик саноат фирмалари ва банк муассалари монопол нархлар, патент, кредит, савдо ва бошқа сиёсат йуллари билан ракобатни сунъий равишда чеклашга ута бошлади. Ишлаб чиқариш, молия капитали, ишлаб чиқарувчи кучларнинг фан-техника инкилоби шароитида янада йириклашуви миллий иктисодиёт доирасидан чиқиб кетди ва ялпи экспортни хом ашё хамда ёкилги билан умумжаҳон микёсида таъминлашга утишни талаб этди.

Монополиялар капитал хамда ишлаб чиқаришни йириклаштиришнинг халқаро микёсига чиқиши натижасида трансмиллий корпорация ва трансмиллий банклар унинг асосий қуриниши бўлиб қолди. Хохирги даврда улар энг эътиборли капиталистик хужалик корхоналари тарзида маълум, бўлиб, шуни хам айтиш лозимки, уларнинг таъсири факат иктисодиёт билан чегараланмай, сиёсатга хам дахлдор. Чет элларга бундай кенг микёсдаги экспансияларнинг асосий сабаби чет эл фойда нормасининг гоят юқорилиги эди. Масалан, америка трансмиллий компанияларининг 80-йиллар урталарида бундай фойда нормаси бошқа ривожланган капиталистик мамлакатларда уртача 8,9 % , ривожланаётган мамлакатларда - 10 % , АКШнинг узида 6 % ни ташкил этди. Францияда энг йирик урта трансмиллий гуруҳнинг чет элларда олган фойда нормаси 6 - 8,3 % , мамлакат ичида эса 1-11 % доирасида бўлди. Трансмиллий компанияларнинг чет эллардаги инвестициялари географик жихатдан йирик ички бозорга ёки фойдали қазилмаларнинг катта захираси бўлган мамлакатларга тугри келади. Трансмиллий компаниялар одатда кичик ёки ресурсларга камбағал мамлакатлар билан иқтисодий алоқа қилмасликка ҳаракат қиладилар. Уларни бу жойларга факат арзон ишчи кучи жалб этади, холос. Устама фойда олиш, турли тармок ва мамлакатларга капитал солиш билан бирга трансмиллий компаниялар иқтисодий танглик даврларида ёрдам хам беради. Шунингдек улар миллий иктисодиётда ортиқча ишлаб чиқариш юз берган шароитларда

янги сегментларни узлаштириш йули билан бозорларни кенгайтиришга ёрдам беради.

Нарх билан ракобат иқтисоди ривожланган мамлакатларда эркин бозор ракобати булган, бозорда бир хил товарлар хар хил нархлар билан сотилган даврларда пайдо булган. Ишлаб чиқарувчи нархни пасайтириш билан уз товарини ажратиб курсатишга, унга эътиборни каратишга ва пировард натижада узи истаган бозор хиссасини эгаллашга эришган. Ҳозирги замон бозор шароитларида нарх билан очик ракобат амал килмайди, чунки ишлаб чиқарувчилардан бири нархни пасайтириши билан унинг ракиби ҳам шу ишни килади, бу эса фирманинг бозордаги мавқеини узгартирмайди, аксинча, умумантармокдаги фойданинг пасайишига, асосий фондларни янгилаш ва кенгайтириш учун инвестицияларнинг камайишига олиб келади. Оқибатда кутилган зафар ва ракибларни суриб чиқариш урнига кутилмаган хонавайронлик ва синиш юз беради. Шу сабабли саноат монополиялари нархларни иложи борица узокрок баркарор ушлаб туришга, таннархни ҳамда маркетинг харажатларини тобора пасайтириб, фойдани купайтиришга интилади. Фан-техника тараккиёти ютуклари туфайли ракобатнинг нарх билан боглик булмаган усулларида фойдаланишнинг кулай шароитлари юзага келди.

Нархсиз ракобатда товарнинг нархи эмас, балки унипг юкори сифати, паст "истеъмол нархи", замонавий дизайни, сервис хизмати, ишлаб чиқарган фирма шуҳрати ракобат курашининг асосий омилига айланади. Ҳозирги кунда АҚШ, Япония, Франция, Италия, Жанубий Корея, Англия ва шу каби мамлакатларда айнан шу технологияга асосланган ҳолда фаолият юритиши, улар фирмаларининг ракобатдаги ютуғи ҳисобланмокда.

Бунинг мисоли бўлиб, масалан, бозор тадқиқотни утказиш бир хил даражада туради.

Махсулотни экспорт килиш хақидаги масалани хал этишда бу ҳаракат бошқаларнинг ҳукукларини бузмаслигига ва тажовузлардан муҳофаза килинганига ишонч хосил килиш зарур. Экспорт товарларини патент-

хукукий химоя килиш товарни хар кандай халакитсиз ишлаб чикариш ва сотиш имкониятларини беради. Фирмалар патент химоясидан ракобат кураши усули тарзида фойдаланади. Биринчидан, патент ёки бошка мухофаза хужжати билан химояланган товар химояланмаган товарга нисбатан киммат ва юкори бахоланади. Шу сабабли патентлаш учун курсатма узига хос реклама таъсир курсатиш воситаси хисобланади. Иккинчидан, ишлаб чиқарувчи патент-хукукий химоядан фойдаланиб, уз ракибларини худди шундай махсулот тайёрлаш, унда андаза олиш имкониятидан махрум этади, натижада уз товарини юкори монопол нархларда сотади. Техник жихатдан мураккаб булган товарлар учун нисбатан киска, аммо баркарор патент химоясидан фойдаланилади.

Шундай килиб, харидорнинг харажатлари икки кисмдан ташкил топади, унинг бир кисмини харид харажатлари (товар нархи), иккинчи кисмини уни истеъмол этиш билан боглик харажатлар ташкил этади. Агар мабодо товар техникавий жихатдан мураккаб буюм булса, харидор бу буюмдан фойдалашда яна харажатлар килишига тугри келади, айтайлик, ёнилги, сурков мойлари, эхтиёт кисмлар ва бошкалар сотиб олишига мажбур булади.

Товарнинг истеъмол параметрлари мажмуини аниклаш - унинг ракобатбардошлигини тахлил килишдаги энг мухим иш хисобланади. Шундан кейин бу параметрларнинг ўрни белгиланади, бунда истеъмолчи учун энг мухим булган томонлар биринчи уринга куйилади.

Хар бир параметрнинг "салмогини" аниклаш корхонада ташкил зтилган, ишончли бозор ахборотига эга булган экспертлар гурухига топширилади. Улар ишлаб чиккан нуктаи назарни янада ойдинлаштириш учун бозорни тадқик этишнинг "майдон" усулида кушимча маълумотлар тупланади.

Ракобатбардошлик нуктаи назаридан энг "салмокли", етакчи булган параметрлар биринчи навбатда синчковлик билан тадқик этилади. Албатта, бундай ёндашув иккинчи даражали параметрларни тахлил этишни истисно

килмайди, чунки баъзан товарнинг бозор мувафаккиятини таъминлашда худди шундай параметрлар гоят муҳим роль уйнаши мумкин.

Рақобатбардошликни баҳолашнинг учинчи боскичида нисбий рақобатбардошликнинг интеграл курсаткичи ҳисоблаб чикилади. Бунинг учун биринчи навбатда тадқиқ қилинаётган буюм ва намуна параметрларининг миқдорий курсаткичлари аниқлаб олинади. Ҳар бир "катъий" параметр муайян бирликларда - киловатт, миллиметр ва ҳоказоларда ифодаланган айрим қийматларга эга бўлади. Бу қийматларда буюмнинг истеъмолчи эҳтиёжларини қондирадиган бир қанча хоссалари уз ифодасини топган бўлади. Қондириш даражаси бирлик параметрик курсаткичлар билан ифодаланади.

3.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш

Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш Президентимиз И. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида таъкидланганидек, иқтисодиётни эркинлаштириш - бу ҳўжалик юритувчи субъектларнинг зркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш жараёнлари орқали таъминланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин соғлом рақобат муҳити яратиш бозор муносабатларини шакллантиришнинг асосий, муҳим шартларидан эканлиги белгилаб қўйилган. Товар бозорларида соғлом рақобат муҳитининг мавжудлиги ишлаб чиқарувчиларни ҳўжалик юритишнинг самаралироқ усуллари ва янги технологияларни жорий этишга, товарларнинг сифатини ҳамда хизмат кўрсатиш даражаларини доимий равишда ошириб бориш йўллариини излашга мажбур қилади, бу эса ўз

навбатида нафақат алоҳида олинган корхонанинг, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг молиявий барқарорлигини оширади. Шу билан биргаликда рақобат - истеъмолчиларга сифатли товарларни нисбатан арзон нархларда сотиб олиш имконини яратиб, уларнинг сотиб олиш қобилиятини янада оширади. Истеъмолчиларнинг сотиб олиш қобилияти қанчалик юқори бўлса, соғлом, жамият фаровонлиги ҳам шунча юқори бўлади. Шундай қилиб, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш иқтисодиётни эркинлаштиришнинг муҳим шартларидан бўлиб ҳисобланади.

Узбекистонда иқтисодиёт эркинлиги рақобат муҳити билан узвий боғлиқдир. Иқтисодий эркинликнинг рақобат муҳитига таъсири орқали соғлом рақобат қоидаларининг нечоғлик амал қилаётганлигига баҳо бериш мумкин. Рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожланиш нархлар эркинлигига, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги таъсирига, савдо валюта операцияларнинг эркинлик даражаси ва бошқа курсататчларга боғлиқ.

3.2.1-жадвал.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантиришга таъсир этувчи кўрсаткичлар*

Кўрсаткичлар	2009йи л	2010йил	2011йи л	2012 йил	2013 йил
Савдо айланмасининг ЯИМдаги ҳиссаси (фоизда)	64,5	69,0	71,4	70,5	71,4
Нархларнинг эркинлик индекси	3,0	2,7	45,0	45,0	2,8
Хусусий секторнинг ЯИМдаги ҳиссаси (фоизда)	40,0	45,0	2,4	2,7	47,9
Савдо валюта операцияларининг эркинлик индекси	2,0	1,7	1,6	1,5	1,4
Рақобат индекси	2,0	2,0	2,0	2,0	2,0

*Жадвал Касби тумани “Иқтисодиёт” бўлими маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хусусий секторнинг ЯИМ даги ҳиссасини ошаётганлиги, нархларнинг эркинлиги индекси ижобий томонга ўзгарганлиги рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожланиш учун қулайликлар мавжудлигидан далолат беради. Лекин, савдо валюта операцияларининг эркинлик даражасини изоҳловчи индекс ўзгариши сабабли ҳолатининг мавжудлигини англатади. Шунинг учун, ҳали рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожланишга етарлича иқтисодий шароит яратилган деб бўлмайди.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш уларнинг бир-бирига таъсирини аниқлаш ва қайси муаммони биринчилардан бўлиб ҳал этиш муҳим жанлигини белгилаб олиш зарур. Ўзбекистонда рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожланиш борасида долзарб муаммолардан биринчиси нарх белгилашда монопол мавқенинг сақланиб қолиши ҳисобланади. Хусусан иқтисодиётнинг аграр ва индустриал секторида нархларнинг кескин фарқланиши бўлса, иккинчиси соҳа ва тармоқларнинг рақобат куришида тенг иштироки учун тўсиқлар мавжудлиги деб ҳисоблаш мумкин. Муаммолар кўламини аниқлаш масаланинг бир томони бўлса, асосий жиҳат мавжуд муаммоларни қандай йўл билан ҳал этишга келиб тақалади.

Биринчи муаммони ҳал этишнинг дастлабки йўналиши аграр соҳада яархларни янада эркинлаштириш, харид нархларни бозор талаби доирасида шакллантириш, хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулотларни эркин сотиш кўламини янада кенгайтириш талаб этилди. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи саноат маҳсулоти нархига анча яқин, хатто моддий манфаатдорликни кучайтириш билан бирга, эркин бозор учун ишлаш кўникмаларининг ҳам ортиб боришига олиб келади. Натижада соғлом рақобат муҳитини яратиш учун объектив иқтисодий шарт-шароитлар қарор топади.

Иккинчи муаммони ҳал этишнинг муҳим йўлларида бири, мулк шаклидан қатъий назар, турли соҳа ва тармоқлар таркибидаги хўжалик субъектларининг бир-бирлари билан олди-сотди муносабатларини бозор

талаби доирасида эркин амалга оширишни, яъни савдо эркинлигини янада эркинлаштиришни ва бунга тўсқинлик қилувчи турли чекловларни олиб ташлашни талаб этади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш муаммосидан кўра сотиш муаммоси биринчи поғонада туради. Демак, савдо-сотиқнинг авж олиши даромадни қистиришга бўлган интилиши кучайтириб, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига туртки бўлади.

Бизнингча, дастлаб юқорида ажратиб олинган иккита муаммонинг ҳал этилиши рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади, эркин бозор муносабатларининг ривожини учун шарт-шароитлар яратиб беради. Субъектларнинг даромад топишга бўлган қизиқишни кучайтириб юқори фойда олиш манфаатини оширади. Натижада рақобат иштирокчилари иқтисодий фаол субъектларга айланади. Шунинг учун рақобат бозор иқтисодининг асосий қонуни сифатида иқтисодиётни қарактлантирувчи кучи бўлиб қолади.

Буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган барча мамлакатларда давлатнинг нарх соҳасидаги сиёсати кўп жиҳатдан нархларни эркинлаштириш, миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштиришга қаратилади.

Нархларни эркинлаштириш - иқтисодий ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ислоҳотларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари кўп жиҳатдан шу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ бўлади.

Нархларни эркинлаштириш хом-ашё билан маҳсулот айрим турларининг нархлари, нарх билан аҳоли ва корхоналар даромадлари /тасида мутаносибликка эришишга қандай ёндашилиши билан фарқланади. Шу ёндашувларга асосланиб, нархлар қуйидаги йўллар билан эркинлаштирил ади:

- а) нархларни бирданига, ёки "эсанкиратадиган" тарзда қўйиб юбориш;
- б) нархларни сунъий равишда тўхтатиб қўйиш;
- в) нархни давлат томонидан бошқариш ва назорат қилишни маълум даражада сақлаб қолиш.

Ўзбекистонда иқтисодий ислох қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни аста-секинлик билан ва босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинди. Шу йўл билан нархларни эркинлаштиришнинг дастлабки босқичида (1992 йилнинг бошида) кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган ишлар ва хизматларнинг эркин нархлари ва тарифларига ўтилди. Аҳолини ҳимоялаш мақсадида чекланган доирадаги озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси белгилаб қўйилди, айрим турдаги хизматларнинг энг юқори тарифлари жорий қилинди.

Нархларни эркинлаштиришнинг кейинги босқичида (1993 йил) келишилган улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди. Қатъий белгиланган ва давлат томонидан тартибга солиб туриладиган нархларда сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг сони анча қисқарди.

Нархларни эркинлаштиришнинг навбатдаги босқичида (1994 йил, октябр, ноябр) халқ истеъмол моллари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматларнинг тарифлари оширилди. Шундай қилиб, республикада иқтисодий ислох қилишнинг биринчи босқичи нархларни босқичма-босқич (уч босқичда) тўлиқ эркинлаштириш билан тугади. Нархларни эркинлаштириш аҳолини ишончли иқтисодий ва ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари билан бирга олиб борилди. Давлат томонидан турли компенсациялар мақсадидаги жамғармалар тузилди, иш ҳақи, пенсия ва стипендияларнинг энг кам миқдори мунтазам суратда ошириб борилди, болалар учун нафақалар жорий этилди. Аҳолининг муҳтож шегина ёрдам кўрсатилди, имтиёзли солиқ ставкалари жорий этилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштиришнинг аҳамиятини шундай ифодалаш мумкинки, бу жараёнсиз рақобатни ривожланиш бўйича барча ҳатти-ҳаракатлар кўзланган натижага эришиш имконини бермайди.

Республика бозорларида рақобат ҳолатига ташқи иқтисодий фаолият катта таъсир кўрсатади. Бу соҳани эркинлаштириш бўйича маълум чоратadbирлар амалга оширилганлигига қарамай, ҳали ҳам аҳамиятли даражада тартибга солинган ҳолатда қолмоқда. Экспортни квоталаш ташқи бозорларга чиқишдаги корхоналар ўртасидаги рақобатни чеклаб қўймоқда. Қатор позициялар бўйича импорт пошлиналарининг юқори ставкалари ўрнатилиши муносабати билан кўплаб тўсиқлар сақланиб қолмоқда. Бу эса мазкур позициялар бўйича импортнинг бўлмаслигига олиб келмоқда, бунинг оқибатида эса рақобат муҳитининг шаклланиши секинлашмоқда.

Замонавий бозорда муваффақиятли амал қилишнинг муҳим шарт-шароитларидан бири - валюта ресурсларидан фойдаланиш имкониятидир.

Ҳозирги вақтда конвертация бўйича устуворлик экспортга йўналтирилган ҳамда импортнинг ўрнини босувчи ишлаб чиқаришда банд бўлган нисбатан йирик корхоналарга, алоҳида кўшма корхоналарга берилмоқдаки, бу ҳолат уларнинг устунлигини аҳамиятли даражада оширмоқда. Кўплаб янги ташкил этилган, айниқса ўрта ва кичик корхоналар конвертация қилиш, демак, арзон импорт хом ашёсидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслар. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг нархини ошириб, Айни пайтда рақобатбардошлигини пасайтиради. Бунинг устига, республикада зарур хом ашёнинг йўқлиги шароитида кўплаб хўжалик субъектларининг валюта ресурсларидан фойдаланишининг қийинлиги уларни ўз ишлаб чиқариш фаолиятини қисқартириши ёки бозордан чиқиб кетишига мажбур қилади. Шунга кўра, валюта бозорининг эркинлаштирилиши йирик корхоналар яққахукмронлигига тўсқинлик қилиш ва рақобатни ривожланишга хизмат қилади.

Инфляция шароитида, одатда, ишлаб чиқариш фаолиятига (айниқса, узок такрор ишлаб чиқариш цикли билан боғлиқ тармоқларга) нисбатан савдо ва молиявий операциялар даромадлигининг устунроқ ўсиши кузатилади. Натижада энг аввало қисқа муддатли кредитлар билан иш

кўрувчи савдо-воситачилик ва молиявий тузилмалар объектив равишда кредит ресурсларини жалб этиш ҳамда улардан самарали фойдаланишда нисбатан кенгроқ имкониятга эга бўладилар. Шунинг учун инфляцияни пасайтирмасдан ва молиявий барқарорликка эришмасдан тўлақонли рақобат муҳитини яратиш мумкин эмас.

Монополиядан чиқариш иқтисодиётда маълум таркибий қайта тузиш ишларининг олиб борилишини тақозо этади. Жумладан, таркибий қайта тузишнинг қуйидаги турларини амалга ошириш рақобатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади:

- хусусийлаштириш орқали капитални таркибий қайта тузиш;
- иқтисодиётнинг нодавлат секторини ривожланиш орқали уни институционал жиҳатдан қайта тузиш;
- ишлаб чиқаришни конверсиялаш, йўналишини қайта ўзгартириш натижасида саноат ва унинг тармоқларики таркибий қайта тузиш;
- хўжалик юритиш ва бошқарувнинг макро- ва микродаражадаги ташкилий тузилмаларини, шакл ва усулларини қайта тузиш.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги — бу иқтисодиёт муҳим кўрсаткичларининг муҳим параметрларга нисбатан ҳолатини комплекс баҳолашни ўз ичига олувчи таққослама тавсиф бўлиб, бу орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги халқаро рақобатда намоён бўлади.

Шу билан бирга, халқаро рақобат нафақат ташқи бозорларга, балки миллий ишлаб чиқарувчилар ўз мамлакатлари ичида хорижий ишлаб чиқарувчилар билан рақобатга киришувчи очиқ иқтисодиётли мамлакатлар ички бозорига ҳам бир хилда тааллуқли ҳисобланади.

Агар мамлакатдаги барча ресурслар, ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари, капитал, ақлий салоҳият ва ишчи кучи ўта даражада самарали фойдаланилаётган бўлса, бу мамлакат иқтисодиёти рақобатбардош бўлади. Фақат ўсиб боровчи унумдорлик иқтисодий ўсиш самарадорлигининг асосий мезони ҳисобланувчи мамлакатдаги турмуш даражасининг ошишини таъминлаши мумкин. У ёки бу мамлакат иқтисодиёти ҳолатининг асосий

мезони бўлиб аҳоли турмуш даражасини тавсифловчи ЯИМнинг аҳоли ўртача жон бошига тўғри келувчи кўрсаткичи ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш материал омилларининг бундай қиммат шароитида мамлакатимиз саноати маҳсулотларининг ташқи бозордаги нарх бўйича рақобатбардошлигидан фойдаланишга умид қилиш қийин.

Шу билан бир вақтда, республикамызда якка тартибдаги иш ҳақининг ўртача даражаси саноати ривожланган мамлакатларга нисбатан аҳамиятли даражада (тармоқлар бўйича олганда 30 ва ундан кўп марта) паст.

Жаҳон бозоридаги товар рақобатбардошлигини белгиловчи кўрсаткичлардан бири бўлиб меҳнат унумдорлиги ҳисобланади, чунки айнан ишлаб чиқариш жараёнида рақобатнинг моддий асослари таркиб топиб, улар бозорда таққослама нарх ва фойдалилик даражаси орқали намоён бўлади.

Ҳозирда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ўзларининг товар бўйича ривожланишларини оширишни инновациялардан фойдаланиш, илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантирмай туриб яратиш мумкин бўлмаган юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш ҳисобиغا таъминланмоқда. Мазкур жараёнларнинг муҳим кўрсаткичи бўлиб инновация учун сарфлар ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич мамлакатнинг инновацион фаолиятга бўлган лаёқатини акс эттиради ҳамада, НИОКРга бўлган сарфлар миқдоридан ташқари, дизайн ва маркетинга сарфларни, илмий соҳадаги банд бўлганлар сонини, мамлакат ичида ва хорижда олинган патентлар сонини, таълим муҳитининг ривожланганлигини ҳам ҳисобга олади.

Жаҳон табелида ривожланиш рейтингини аниқлаш учун кўп омилли моделдан фойдаланилади. Унда 381та кўрсаткич қўлланилади. Бу кўрсаткичлар 8та умумлаштирилган омилларга гуруҳланган:

- 1) ички иқтисодий салоҳият;
- 2) ташқи иқтисодий алоқалар;
- 3) давлат томонидан тартибга солиш;
- 4) кредит-молия тизими;
- 5) инфратузилма;

- 6) бошқарув тизими;
- 7) илмий-техникавий салоҳият;
- 8) меҳнат ресурслари.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш даврида соғлом рақобатни шакллантириш иқтисодиётни ҳар томонлама эркинлаштириш, унинг таркибини самарали тарзда қайта тузиш орқали таъминланиши мумкин. Бу эса мазкур жараёнларни изчил ва асосли тарзда ишлаб чиқилган давлат дастурлари асосида олиб борилишини тақозо этади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш, маънавий янгиланиш учун кенг имкониятлар яратилди: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари, танланган йўл тўғрилиги ва таъсирчанлиги ҳаёт синовларида текширилиб, жамоатчилик томонидан маъқулланди. Ҳозирги кунда мазкур тамойилларни амалга ошириш натижасида, Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатлари, кенг жорий этилиб, ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва сезиларли иқтисодий ўсиш амалга оширилмоқда. Натижада республикада тегишли ҳукукий асос яратилиб, бозор инфратузилмаларини шакллантиришга, иқтисодиётнинг янгиланиши ва бозор иқтисодиёти шароитида турли мулк шакллари асосланган корхоналарнинг вужудга келишига олиб келди. Шу билан бирга жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч - мулкдорлар, тадбиркорлар синфи - шаклланмоқда, миллий қадриятлар тикланмоқда.

Ислохотларни янада чуқурлаштириш кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиш, корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожланиш ва экспорт қилиш, мавжуд захиралардан тежамкорлик билан фойдаланиш асосида сифатли ва арзон халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариб, халқ турмуш фаровонлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, макроиқтисодий ва ишбилармонлик мухитини (яхшилаш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида охириги йилларда кичик тадбиркорликнинг ривожланишида ижобий силжишлар рўй берди. Унинг келгусида ҳам жадал суръатлар билан ривожланиши (иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор вазифаларидан бўлиб қолади. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланишнинг тез суръатлар билан ривожланишини таъминламасдан барқарор иқтисодий ўсиш ва ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этиш

мумкин эмас. Бу жараёнда маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг талабларига амал қилиш ўта муҳим ишлардан бири бўлиб, айниқса кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлиги ғоят долзарбдир. Шунинг учун ҳам БМИ натижаларига кўра қуйидаги хулоса ва таклифлар баёини берамиз:

1. Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик каби ўта мураккаб ва нозик соҳани янада ривожланиш келажакда уни иқтисодий салоҳиятини ошишига олиб келади.

3. Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг барча тармоқларида, мулкнинг аксарият қисми давлат тасарруфидан чиқарилди ҳамда хусусийлаштирилди, тармоқни ва ундаги корхоналарни бошқариш тизими ўзгартирилди, янги мулк эгалари - мулкдорлар синфи шаклланиши жадаллашмоқда ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузирмалари фаолияти такомиллашмоқда.

4. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида айниқса кичик бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожланиш масалаларига жуда катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг барча элементларининг ўз ичига олган мустақкам бозор замини яратилди. Бундан ташқари мустақкам бозор инфраструктураси ҳам (тижорат банклари, инвестиция фондлари, биржалар ва ҳакозолар) яратилди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда мустақкам бозор заминининг яратилганлигидан далолат беради.

5. Қулай иш муҳитини яратишга қаратилган чора-тадбирлар кичик бизнеснинг иқтисодий усишдаги хиссасининг ошишига, янги иш ўринларининг ташкил этилишига, иш билан бандлик кўрсаткичининг ошишига ва иқтисодиётнинг ушбу муҳим йўналишида сифат ўзгаришлари амалга оширилишига сабаб бўлди.

6. Хусусий мулкчилик тармоғини кснгайтириш, бизнес учун қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш вазифаларини амалга оширишдан асоеий мақсад - аввало, иқтисодиётимизни жадал ва барқарор ривожланиш, юртимизда эркинлик ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиб бериш имконияти яратилди.

7. Юсак даражадага ривожланган хорижий мамлакатлардаги кичик бизнес ва тадбиркорликтажрибасини, алоҳида эътибор билан ўрганиш ҳамда уларни бизнинг мамлакатимиз амалиётида қўллаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда ривожланиш тажрибасини ўрганиб, уни бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш дарида бизнинг мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектларда ҳам қўллаш ва ёйиш келажақда уларни иш фаолияти

9 Эркин иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликфаолиятининг самарадорлиги қонуни амал қилади ва бу қонун биринчи навбатда, ишлаб чиқаришдан манфаатдорлик ва даромадларни тақсимлаш қонуни билан боғлиқдир.

12. Келгусида кичик ва тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни рақобатбардошлигини таъминлаш ва ривожланиш мақсадида уларни ҳар томанлама қўллаб-қуватлаш учун барча молиявий манбалардан ажратиладиган кредитлар миқдорини бирмунча кўпайтиришни назарда тутиш лозим. Бу ўз навбатида, вилоятда ишлаб чиқаришни халқаро андозалар даражасида йўлга қўйиш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, истеъмол бозорини сифатли товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, муҳими, янги иш жойларини очишда уларнинг ҳиссаси янада кўпроқ ва салмоқлироқ бўлишини таъминлаш имконини беради.

13. Тадбиркорликни ривожланиш ва унга алоқадор корхоналарни жойлаштиришни белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар яна ҳам такомиллаштирилиши зарур, тадбиркорликни мамлакатларнинг барча вилоятларида ривожланиш учун зарур шарт - шароитларни барпо этиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув маҳаллий аҳолини иш билан

таъминлабгина қолмасдан, балки вилоятни республиканинг иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссасини ошишига ҳам олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, биз юқорида кўрсатиб ўтган муаммо ва таклифлар у ёки бу ҳужжатларда ўз аксини топса, у ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари иш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш содир бўлиб, туман иқтисодиётини ривожланишда ўз ҳиссасини қўшган бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Биз танлаган йил - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан шамкорлик йили. Т.11-Т.: Ўзбекистон, 2003. - 320 б.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йилида. Т. 10- Т.: Ўзбекистон, 2005. - 432 б.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. Т. 9 - Т.: Ўзбекистон, 2005 -432 б.
4. Бозор иқтисодиётига ётиш шароитида ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш. Т.: - Ўзбекистон, 2005.-176 б.
5. Ибодова Д. Рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари. - Экономика и класс собственников, №3,2006,34-38-б.
6. Иватов И. Иқтисодиётда истеъмол бозорларининг ёрни//Ж.Бозор, пул ва кредит. 2006. 5-сон. 0,5 б.т.
7. Иватов И. Тадбиркорлик ва маркетинг//Ж. Ўзбекистон «ишло» хўжалиги. 2007. 6-сон. Б.19-21.
8. Иватов И., Абдухалилова Л. Нарх шаклланишида маркетинг тамойилларидан фойдаланиш//Ж. Иқтисодиёт ва таълим. 2007. 1-сон. Б.38-42.
9. Иватов И. Истеъмол бозорида маркетинг фаолиятининг намоён бўлиши // Ж. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2007. 2-сон. Б.19-25.
10. Котлер Ф. Маркетинг в третьем тысячелетие.-СПб: Питер, 2004.
11. Котлер Ф. Маркетинг менеджмент. Экспресс-курс/ Пер. с англ. Под ред. Ю. Н. Капитуревского - СПб: Питер, 2008. -496 с.
12. Хикматов А., Тростянский Д. Инвестиционная политика как фактор конкурентоспособности национальной экономики. — Бозор, пул ва кредит, №10, 2008, с.25-28.
13. Ходжаев А. Электронная коммерция - новый рычаг в развитии конкуренции. - Экономическое обозрение, №2, 2008, с.16-19.
14. Шодмонов Ш., /анихўжаева Ф. Бозор иқтисодиётига ётиш шароитида ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш. - Т.: Ўзбекистон, - 2008.-175 б.
15. Юсупов А. Ўзбекистонда таъқиқ иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш ва ривожланиш истикболлари. - Бозор, пул ва кредит, №1,2008,65-69.
16. Худойбердиев У. Савдода ижара пудрати ва бозор иқтисодиёти. - Т.: Мешнат. 2008. - 124 б.
17. /уломов С.С., Ашмедов Д.К., Боев Х. Кичик ва тадбиркорлик касослари. - Т.: 2008-70 б.
18. Ҳамдамов +. С. Микроиқтисод. -Йув «ылланма. - Тошкент, ТДИУ нашриёти, 2008. - 162 б.

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-2003 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг шу=у=ларини щимоя =илиш ты\рисида»ги +онуни 2003 йил 26 апрель // Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ты\рисидаги =онун шужжатлари: (Меъёрий шужжатлар тыплами): III китоб, «И=тисодиёт ва шу=у= дунёси», 2003 - б. 111-130.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва ра=обат ты\рисида»ги +онуни 1996 йил 27 декабрь // Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ты\рисидаги =онун шужжатлари: (Меъёрий шужжатлар тыплами): III китоб, «И=тисодиёт ва шу=у= дунёси», 2003. 131- 149.
4. «Хыжалик ширкатлари ты\рисида» Ўзбекистон Республикасининг +онуни // Хал= сызи. 2006. 17 январ.
5. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари ты\рисида» Ўзбекистон Республикасининг =онуни // Хал= сызи. 2006 апрель.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мащкамасининг «+ишло= хыжалигини ислощ =илишга оид =онун шужжатларига мувофи= =ишло= хыжалиги кооперативлари (ширкат хыжаликлари) тузиш чора - тадбирлари ты\рисида»ги +арори 2006 йил 15 июль № 299 (Кычирма) // Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ты\рисидаги =онун шужжатлари: (Меъёрий шужжатлар тыплами): II китоб, «И=тисодиёт ва шу=у= дунёси», 2006 - б. 69 - 109.
7. Ўзбекистон Республикаси вазирлар мащкамасининг «Фермер хыжалиги ты\рисида», «Дещ=он хыжалиги ты\рисида»ги «Ўзбекистон Республикаси =онунларини амалга ошириш муддатлари ва чора - тадбирлари ты\рисида»ги +арори 2006 15 июль № 300 // Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ты\рисидаги =онун шужжатлари: (Меъёрий шужжатлар тыплами): II китоб, «И=тисодиёт ва шу=у= дунёси», 6.110 - 137.
8. Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва мащсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир =ышимча чора-тадбирлар ты\рисида: Ўзбекистон Республикаси вазирлар мащкамасининг =арори 2009йил 22 июн // Хал= сызи, 2007. - 23 июн.
9. «Ўзбекистон и=тисодиётида хусусий секторнинг улуши ва ащамиятини тубдан ошириш чора - тадбирлари ты\рисида» // Хал= сызи. 2007 24 январь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожланиш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. -Т, 2007й. 5 январь, // Халқ сўзи, 2006 йил 6 январь.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш чора-

- тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, -Т., 2006 й. 9 январь. //Халқ сўзи, 2007йил 10 январь.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. -Т., 2007й. 14 июнь, // Халқ сўзи, 2007 й. 15 июнь.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги фармони. -Т. 2007 йил 14 июнь, Халқ сўзи, 2007 йил 16 июнь.
14. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида./Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. - Т.: Ўзбекистон, 2008 - 65 б.
15. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Реклама тўғрисида. Янги таҳрирда - Т., 2008 йил.
- 17 .Каримов И.А. 2013-йилнинг асосий яқунлари ва 2014-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи". 2014 йил

Статистика материаллари

1. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. (+ис=ача статистик типлам) - Тошкент, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилда ижтимоий - иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. (+ис=ача статистик типлам). - Тошкент. 2011.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. (+ис=ача статистик типлам) - Тошкент, 2013.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. (+ис=ача статистик типлам) - Тошкент, 2014.
5. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси статистик маълумотлари.
- 6 Касби туманининг 2009-13 йиллардаги статистик маълумотлари, иқтисодий кўрсаткичлари ва бошқа манбаларидан фойдаланилди.

Интернет сайтлари

- 69 www.agro.uz
70 www.ziynet.uz
71. ula.uzsci.net

